Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
36 сон 7 — 13 сентябр 2006 йил

ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШДАН ТОЛМАЙМИЗ!

Республика "Саломатлик-Р" масъулияти чекланган жамият раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳима Аминжонова билан суҳбат.

2006 йил—Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Раҳима опанинг куч-ғайрат, шижоат, меҳр ёғилиб турган чеҳрасига қарайману, ўйлайман: "Инсон ана шундай ўктамлик, бардам-бақувватлик, улуғворлик шукуҳини узоқ йиллар сақлаб қолиши учун қандай яшаши, нималарга риоя қилиши керак экан-а? Бу ҳолат унга азал-азалдан, аждодларидан ўтганмикан? Ё йиллар давомида ўз-ўзини мутасил тарбиялаш ҳосиласимикан?"

Суҳбатдошим гапни узоқдан бошлайди:

- Мен Наманган вилояти, Поп туманидаги Санг қишлоғида 11 фарзандли, ниҳоятда оддийгина оилада туғилиб ўсганман. Онамнинг исмлари Кибриёбиби бўлиб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланган. Дадам Аминжон ота туман молия идораси раҳбари бўлган, сўнг 25 йил ўрмон хўжалигини бошқарган эдилар. Ота-онамизни теварак атрофдагилар "Тоҳир-Зуҳра" деб аташарди. Ёшларининг фарқи 18 йил бўлган. 53 йил бирга яшашган. Бир-бирисиз томоқларидан ош-овқат ўтмасди. Дадам ҳамиша оқ от миниб юрардилар, чапдаст, чаққон, чўрткесар эдилар. Онам эса оила тинчлиги, фароғатини ҳар қандай бойлигу ҳашамдан юқори кўярдилар. 11 фарзандниг 8 таси қиз бўлган. Турмушга чиққан қизлар борган жойида кўникиб кетгунча, табиийки, ҳар бири хонадонидаги муаммоларни онасига келиб айтади. Шуни сезганманки, онагинам қизларининг ҳар бирини эшитардилару, муҳокамани авж олдирмасдан, индамайгина штапел рўмоллари учини тишлаб ўтирардилар. Вақти келиб, мен катта раҳбарлик лавозимларида ишладим. Ўзим униб-ўсган уй-жойларни ота-онам учун қайтадан таъмирлаб, бироз қулайликлар яратиб бермоқчи бўлдим. Ота-онам ниҳоятда камтарин, камсуқум, қаноатманд инсонлар бўлганлари учун ҳам бу ишни қилишимга рухсат беришмаган. Ота-онам бир жойларга бориб келишлари учун заруриятдан ўзим учун белгиланган хизмат машинасини юборсам, минмай қайтариб юборишарди.

- Раҳима опа, сизда ўқиш, иш, оилавий турмуш масалалари қандай кечганди?

- Мен жуда-жуда кичкина пайтим - 5 ёшимдан опамга эргашиб мактабга борганман. Зеҳним ўткир бўлган шекилли, ўқишни эплаб кетганман. Мактабни битирганимда ҳам сафдошларимга қарагандa кичкиналигим сезилиб турарди. Ўқишга, ташкилотчилик ишларига қобилиятим, иштиёқим баланд эди.

Мактабни битирибоқ, туман ёшлар ташкилотида ишлай бошладим, олийгоҳга ўқишга кирдим. Бу орада турмушга ҳам узатилдим. Ёшликда куч-ғайрат ошиб-тошиб тураркан, тоғни урсам талқон қиладиган қувватим бордек туюларди менга... Аммо ҳар бир аёл бошидан кечирадиган турмуш ташвишларини енгишга ҳам тўғри келган. Икки фарзандли бўлдим. Аммо мен жамият ҳаётидан ҳам узилиб қолишни истамасдим. Ёнингдаги умрдошинг сени нафақат аёл, болаларнинг онаси, уй юмушларига кўмилиб юрувчи бека, балки, энг биринчи галда инсон эканлигингни назарга олиши, ҳурмат қилиши, кўмак бериши керак, деган фикрдаман. Мен ёнимдаги одамдан ана шундай меҳр-оқибатни кўрмадим. Аёл оилавий турмушидаги муаммоларга дуч келганда аввало болаларини ўйлайди, эл-авлодини ўйлайди, кўп нарсаларга чидайди. Аммо айни дамдаги турмушида, келажак ҳаётида ҳатто йилт этган ёруғликни ҳам илғай олмагач... Менда шундай ҳолат юз берди. Ўшанда 24 ёшда эдим... Ишга, фаолиятга киришиб кетдим. Ҳар бир одам тақдирини ўз орзу-истаги, интилишлари асосида ўзи яратади, деган фикрдаман. Қаерда ишламайин, қаерда яшамайин ўз куч-қувватимга, ўз тоза виждонимга таяндим. "Аёлман - ожизман, ҳаёт лаззатларидан тотиб кўришга ахир мен ҳам ҳақлиман-ку", деган гап хаёлим кўчасидан ҳам ўтмаган. Икки фарзандимни ҳеч кимдан кам қилмай ўстирдим, ўқитдим, турмушга узатдим. Улар айни дамда оилали, бола-чақали...

Етти набирам бор, бахтли она, бахтли бувиман... «Меҳнат қилган элда азиз»,- деган пурҳикмат гап бор. Элим учун азиз инсон эканлигимни ҳар гал меҳнатим синган жойларга борганимда, истараси иссиқ қадрдон одамлар билан учрашганимда яқиндан ҳис қиламан.

- Раҳима опа, ўтган раҳбарлик жабҳасидаги ишларингизни ном-баном санаб ўтишни истамаяпсиз. Камтаринлик падари бузрукворингиз Аминжон отадан ўтган экан-да... Бўлмаса, бугунги кундаги фаолиятингиздан гапирсангиз...

- Бугунги кунда мустақиллик нуридан баҳраманд юртдошларимиз санатория, санатория-профилактория, дам олиш уйлари ва болалар оромгоҳларида ўз саломатлигини тиклашмоқда. Мамлакатимизда шифобахш маъданли сув билан даволаш имкониятларига бой бўлган гўзал масканлар жуда кўп. Юртдошларимиз узоқ юртларга дам олгани, даволангани боргандан кўра, ўзлари учун иқлими ва бошқа шароитлари қулай бўлган иқтисодий тежамлик жойларда дам олиб, даволанишни афзал кўрмоқдалар.

Мен раҳбарлик қилаётган "Саломатлик-Р" жамияти дастлабки фаолиятини кичик сиҳатгоҳлардан бошлаган бўлса, ҳозирги кунда тизим ихтиёрида 8 та барча қулайликларга эга бўлган сиҳатгоҳлар ҳамда 4 та болалар оромгоҳлари бор. Шифо масканларимиз кўркам ва шинам, ҳозирги замон тиббиёт асбоб-ускуналари ва юқори малакали тиббий ходимларига эга. Дам олиш масканларимиз муайян касалликларни даволашга ихтисослашган. Барча сиҳатгоҳларнинг территориясида шифобахш маъданли сув ва табиий балчиқ мавжуд.

Наманган вилоятидаги "Шаханд" сиҳатгоҳи ҳаракат аъзолари, периферик (сиртқи) асаб системаси, гинекологик, нафас олиш, овқат хазм қилиш системасини, Фарғона вилоят Бешариқ туманидаги "Ўзбекистон" сиҳатгоҳи хазм қилиш аъзолари, жигар ва буйрак хасталикларини, "Рапқон" сиҳатгоҳи ҳаракат аъзолари ва периферик асаб системасини, буқоқ касалликларини даволаса, барчага маълум бўлган Чортоқ курорти яқинида жойлашган "Гулшан" сиҳатгоҳи ҳаракат аъзолари ва овқат хазм қилиш хасталикларини даволашга мослаштирилган.

Шунингдек, "Бастом-Бува", "М.Топиволдиев" ва "Шовот" каби сиҳатгоҳларда асосан қишлоқ меҳнаткашлари дам олиб, даволанмоқдалар.

Бу йилни муҳтарам президентимиз яхши ният билан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилдилар. Сиҳатгоҳларимиз 2006 йилда кенг доирадаги дастур асосида фаолият кўрсатмоқдалар. Бу ишларда бағри кенг, кўнгли дарё ҳомийларимиз яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ҳомийлар билан бирга жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар, касаба уюшмалари ўз ёрдамларини аямаяптилар. Шунга асосан "Шаханд", "Ўзбекистон", "Гулшан", "Рапқон", "Бастом-Бува", "М.Топиволдиев", "Шовот", "А.Навоий" сиҳатгоҳларида кенг қўламда реконструкция ва капитал-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Дам олиб даволаниш учун лозим бўлган хизмат кўрсатиш турлари ва уларнинг савиясини юқори кўтариш борасида ҳали кўп ишларни бажаришни режалаштирганмиз. Бу йил сиҳатгоҳларимизда 15 минг нафар юртдошларимиз ва уларнинг фарзандларини дам олдириб даволашни мўлжаллаганмиз. Шунингдек, 150 та кам таъминланган оилалар ва 150 нафар уларнинг фарзандлари сиҳатгоҳлар ҳамда болалар оромгоҳларимизда бепул даволантирилади.

Халқимизга хизмат қилишдек олийжаноб вазифани бажаришда шифокору хизматчиларимиз сира ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Шу кунларда ҳаммамиз мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган мустақиллигимизнинг 15 йиллигини хуш-хурсандчилик билан нишонламоқдамиз.

Мен шу ўринда «Оила ва жамият»нинг барча мухлисларини энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этаман.

- Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Д.САИДОВА

МЕҲР ҚЎРҒОНИ

Одатда, пиру-бадавлат отахону онахонлар ҳақида сўз кетганда, «улар бошларидан кўп машаққатлар кечиришди, тош келса кемириб, сув келса симириб, шу даражага етдилар», деймиз. Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 2/4-даҳа, Бешқўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳкамхожи ота билан Султонпошшо ҳожи она Ҳамидовлардан ҳам ёшлиги ҳақида сўрасангиз, ҳар иккаласининг чеҳрасида бир нур жилва қилади.

- Пиру бадавлат бўлиб, ўғиллару, келинлар, невaралар ардоғида ҳузур-ҳаловатли турмуш осон бўлмагандир?" - деган сўроғимизга эса шундай жавоб берадилар:

- Аслида машаққатсиз нимага ҳам эришиб бўларди? Аммо меҳр бор жойда ҳаётдаги ҳар қандай синовлару қийинчиликлар чекинар экан. Бир нарсага шукр - шундай ажойиб замонда, Мустақил давлатимиз шону-шавкати, эл-юртимиз тинчлиги туфайли нафақат биз, балки фарзандларимиз ҳам ҳаётда ўз ўрнига эга бўла олдилар. Оиламиз сафи кенгайган сари бир-биримизга меҳримиз оша борди. Кучимизга-куч қўшилди, кўзимизга нур. - Фарзандларимиз Шуҳратжон, Ғайратжон, Ботиржон, Баҳромжон, келинлар, набира ва эвараларим биз кўрган меҳр қўрғонининг устуни ҳозир,-дейдилар 78 ёшни қаршилаган Маҳкамхожи ота.

Ҳа, ҳаммага ҳам шундай умр насиб этса қанийди. Зеро, она қўлларини дуога очиб, деганларидек:

- Берганингизу олганингиз меҳр бўлсин, илоё!

35 йил давомида Собир Раҳимов туманининг ҳозирги 49-сонли поликлиникасида ҳамшира бўлиб меҳнат қилган Султонпошшо ҳожи она ҳамда юртимиз мустақилликка эришгач, биринчилардан бўлиб тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган Маҳкамхожи ота нафақат 4 ўғилу 4 келин, 18 набираю 8 эвараларнинг, балки бутун маҳалланинг фахри десак янглишмаймиз. Чунки, улар бугунги кунда ҳам эл хизматидалар. Маҳалланинг яхшиёмон кунида биринчи кўмакчи маслаҳатчи ва мададдирлар. Ахир шуни айтадиларда, меҳр бу офтобдир. Унинг тафти эса барчага баробар етади.

Дилфуза ҚЎЗИЕВА

ЭЪТИБОРДАН МИННАТДОРМИЗ

Аёллар ҳақида ҳикоялар

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз Президент Ислом Каримов Фармони билан мамлакатимизнинг юксак унвонлари ва орден-медаллари билан тақдирланишди. Улар орасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаол бўлган аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Саодатхон ЙЎЛДОШЕВА, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", Абдулла Қодирий номли Тошкент Маданият институти кафедра мудири, профессор:

Эътироф

- 1974 йил, яъни институт очилган кундан бери шу даргоҳда ишлаб келаяпман. Фолклоримизни, миллий маросимларимизни ўрганиб, шу бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим, профессорлик илмий унвонига етишдим.

Тан олиб айтиш керакки, айнан мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз, ота мерос маросимларимизни, кўҳна ва бой фолклоримизни, халқ қўшиқларини ўрганиш, тарғиб этиш, ёшларга ҳам ўргатиш, хатто-ки жаҳон саҳнига олиб чиқиб кўз-кўз қилиш имконияти туғилди. Жиззахда бўлиб ўтган "Халқ ўйинлари республика спартакиадаси", яқиндагина сўлим Зоминда ўтказилган фолклор жамоалари кўрик-танлови, 12 сентябр куни бошланажак "Алла" кўрик-танлови, олис Белгияда саккиз давлат вакиллари иштирокида ўтказилган фолклор жамоалари Халқаро фестивалида "Ўзбекистон ёшлари" гуруҳининг катта муваффақият билан қатнашиб қайтганлиги, фолклор-этнографик жамоаларининг чиқишлари Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамларимиз дастурларидан кенг ўрин олиши ҳам кўнгилларни фахрга тўлдиради.

Шу йўналишдаги камтарона меҳнатимни қадрлаб "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонига муносиб кўрганлари учун юртбошимиздан миннатдорман. Бу эътироф мени гўзал Ватанимиз равнақи йўлида янада кўпроқ ва самаралироқ ишлашга ундайди.

Шундай ажойиб юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин, деб ният қиламан.

Юлдуз ХОЛМАТОВА, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси, Жиззах вилояти, Дўстлик туманидаги "Юлдуз" фермер хўжалиги раҳбари:

- Бутун умрим далада, пахтазорда ўтгани боис фермерлик ҳаракати бошланганда биринчилардан бўлиб шу ишга бош қўшдим. Диёримизда хотин-қизлар тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун шароит ва имкониятлар яратиб берилганлиги айни муддао бўлди.

Мана, бугунга келиб ер майдонимиз 300 гектарга етди. Даромадларимиз ҳисобидан лизинг асосида техникалар сотиб олаяпмиз, ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чораларини кўраяпмиз. Ҳосилдорлик ҳам, даромад ва буромад ҳам шунга яраша бўлаяпти. Ишчиларимизнинг рўзғорига барака кириб, омборларидан ўзимиз етиштирган дон-дун, ёғ, сабзавотлар узилмайди. Қолаверса, ҳудудимиздаги мактаб, болалар боғчасига, кам таъминланган, ночор оилаларга ҳам баҳоли қудрат ёрдам бериб турибмиз. Бу йил 106 гектар ерга ғалла экқан эдик. Давлат хирмонига 345 тонна дон топшириб, режани уддалади-дик. Яна анча-мунча ғаллани фермер хўжалигимиз аъзоларига тарқатдик. 180 гектар ердаги пахтамиз ҳам, кўз тегмасин, мўл ҳосилдан дарак бериб турибди. Эрта-индин йиғим-теримни бошлаб юборамиз.

Мустақиллик байрами арафасида "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирландим. Мендай оддий бир қишлоқ аёлининг меҳнатини шунчалар қадрлаганликлари, биз аёлларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари учун Президентимиз Ислом Каримовдан мингдан минг миннатдорман.

ДАРМОН ёзиб олди.

МЕҲР МИСОЛИ ЧАШМА...

Орамизда шундай меҳрли, сабр-бардошли аёлларимиз борки, уларнинг умр йўллари бир ёруғ ва ёниқ маёқдек ўзига тортаверади. Ана шундай эъзозли инсонлардан бири Лобархон опа Йўлдошева бўлади.

Лобархонни учқўрғонликлар жуда яхши билишади, қадрлашади. Опа қўли енгил шифокорлардан, қолаверса, саккиз фарзандининг онажониси.

Шифокорлик касбини танлаган бу ўктам аёл биринчи турмушидан бахт топмади. Оқила аёлининг қадрига етмаган турмуш ўртоғи бир қизини тирик етим қилиб, бошқага уйланиб олганида Лобархон эсанкираб қолмади. Турмуш зарбасининг аламини меҳнатдан олди. Қанча-қанча чақалоқларни дунёга келтириб, оналарга, оилаларга қувонч бахшида этаётган бу аёлнинг ўз турмуши кемтиклиги ота-онасини ўйлантирарди. Ёш, чиройли ва ишбилармон жувонни сўраганлар кўп эди. Аммо Лобархон эридан кўрган азияти туфайли турмуш қуришни хоҳламасди. Ота-онасининг: "Кўзимиз очиқлигида сенинг ҳам тинч турмушингни кўрсак", дея куюнгани сабаб бўлиб, оила қуришга рози бўлган Лобархон ниҳоят учта қизи бор оддий ишчига турмушга чиқишга қарор қилади.

Бу қизларнинг онаси оламдан ўтгандан сўнг меҳрга зор бўлиб юришганини ҳис қилган аёл уларнинг қалбига йўл топишга уринди, меҳрини қозонди. Бу оилада яна қиз ва ниҳоят ўғил фарзанд дунёга келди. Опа фарзандларнинг барчасини бир кўзда кўриб катта қилди. Яқинда бошини силаб оналик қилган қизларидан бири туғиш жараёнида кўп қон йўқотиб, оғир аҳволга тушиб қолганида Лобархон ўзини қўярга жой топмади. Мўъжизани қарангки, қон группаси аниқланганда Лобархоннинг қони қизига тўғри келди ва у жондили билан қон бериб беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ўзига келган Комилахон Лобархонга қараб: "Сиз менинг ҳақиқий онажонимсиз", - деди. Қувончдан Лобархоннинг кўзларига ёш қалқди.

Бундай меҳридарё, жафокаш, ақлли аёлни Учқўрғон аҳли бениҳоят ҳурмат қилади.

Аскарали МАМАТОВ, Наманган вилояти, Чортоқ тумани.

БАХТ КАЛИТИ

Фарғона вилояти Қува туманидаги "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" Холисхон Усмонова раҳбарлик қилаётган 1-иқтидорли болалар интернати республикамиздаги энг намунали билим масканларидан бири саналади. Ҳар йил интернат битирувчиларининг 95-100 фоизи олий ва ўрта билим масканларига ўқишга кирмоқда.

- 30 йилдирки шу жамоага раҳбарлик қилиб келаман. Мен қилаётган ишим, ўқувчиларимдан куч оламан. Фаридахон Раҳматуллаева, Муҳаббатхон Болтабоевалар мактаб етакчиларидан. Ҳаммасининг ўз иш услуби бор. Бизда режа дастур, дарсликлар бўлса-да, ҳар кимнинг ўз ўқитиш услуби бўлмаса, болалар зерикади. Улар учун дарслар рангбаранг бўлиши керак. Биз ўқувчиларга тиббиёт ва филология йўналишлари бўйича сабоқ берамиз. Гуруҳлар 2 га бўлиб ўқитилади. Қўшимча машғулотлар, 18 та фан ва бадиий тўгараклар фаолияти ўқувчилар билимини чуқурлаштиришга қаратилган. Қўшимча дарслар, тўгараклар бепул. Болалар 3 маҳал овқатлантирилади. Узоқдан қатнайдиганлар учун ётоқхона мавжуд. Асосий ҳомийларимиз - ота-оналар. Собиқ ўқувчимиз Равшан Бегалиев бошчилик қилаётган "Машрабжон обод", Умида Жумабоевнинг "Усмонхожи ота" фермер хўжаликлари бизга ҳомийлик қилмоқда,-дейди мактаб директори Холисхон Усмонова.

Холисхон Усмонова шу қишлоқнинг, Акбароднинг фарзанди, қизи Ҳилолахон "Лола" болалар боғчаси мудираси. Шоҳжаҳон, Шукронахон, Шоҳнурбек исмли набиралари унинг яна бир қувончи. Инсон қаерда, қачон бахт топади? Одам ўзи туғилиб ўсган ватанида, меҳрибонлари, яқинлари орасида, меҳнати орқасидангина бахтли бўлади. Буни Холисхон Усмонова ва унинг аҳил, изланувчан жамоаси мисолида кўриш мумкин.

Дилором ИСМОИЛОВА

ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Жиззах шаҳрида 150 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилса, уларнинг деярли тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Маҳалла маслаҳатчиларининг улар ҳаётидаги ўрни ҳам шунга яраша салмоқ касб этиб бормоқда.

- Шаҳримизда 32 та маҳалла бор, - дейди "Жиззахлик" маҳалласининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муборак Эсонова. - Улар орасида бизнинг маҳалламизнинг ҳам ўзига яраша муносиб ўрни борлигидан қувонамиз. Маҳалламиз аҳлининг ҳамжиҳатлиги, аҳиллиги, муаммоларни биргаликда, бамаслаҳат ҳал қилишга интилиши боис мана шу даражага эришганмиз.

Маслаҳатчиликни мартаба, лавозим деб ўйлайдиганлар қаттиқ янглишади. Аслида маҳалла маслаҳатчиси ўз ҳудудидаги ҳар бир оиланинг, ҳар бир инсоннинг ўй-хаёлларини, қувончу ташвишларини ўз вақтида илғай олиши, зарур пайтларда хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, ёрдамга шай туриши керак. Мен ҳам маҳалламиздаги 631 та хонадоннинг ҳар бирини ўз оиламдай кўраман. Бирор оила хушхабар билан йўқлаб келса, уларга қўшилиб қувонаман, ташвишларини эса бирга баҳам кўришга интиламан.

Хотин-қизларни спортга жалб этиш энг муҳим вазифаларимиздан бири саналади. Бугунги кунда маҳалламизнинг кўпгина қизлари бадиий гимнастика, сузиш, шарқ яккакурашлари секцияларида мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Улар шаҳар, вилоят миқёсида ўтказилаётган турли даражадаги мусобақаларда совринли ўринларни ҳам қўлга киритишаётир.

Хотин-қизларимизнинг саломатлигига ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз. "Оилавий шифохона" ходимлари ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорликда вақти-вақти билан уларни тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур бўлганларига даволаниш учун йўлланмалар берилаяпти. Жумладан, йил бошидан бери 100 га яқин аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Дори-дармонга қўли калталик қиладиган айрим оилаларга маҳалламиздаги тадбиркорлар, ўзига тўқ хонадонлар билан баҳамжиҳат имкон қадар ёрдам қўлини чўзаяпмиз.

Маҳалламиз ҳудудида зардўзлик, тикувчилик ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехлари ишлаб турибди. Уларда кўпгина аёлларимиз иш билан таъминланиб, рўзғорларига барака кириб турибди, қизларимиз эса касб-ҳунар ўрганишмоқда.

Олдинда эса ҳали қиладиган анча-мунча ишларимиз, яхши-яхши режаларимиз бор.

Д. ИБРОҲИМОВ.

КЎНГЛИМИЗГА ЯҚИН СИРДОШСАН

"Оила ва жамият" газетасининг обуначиларидан бириман. У менинг қалбимдан чуқур ўрин олган. Газетани интиқлик билан кутаман, саҳифаларини қайта-қайта ўқиб, ҳеч ҳам зерикмайман.

Мен ишлайдиган мактаб хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимини топширгач, унинг ўрнига мени сайлашди. Бир куни туман марказига мажлисга чақириб қолишди. Мажлислар залига ҳамма мактаб хотин-қизлар қўмитаси раислари йиғилдик. Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сорабиби Матёқубова олдимизда турган вазифалар тўғрисида гапириб, «Ҳамкангиз "Оила ва жамият" газетасига обуна бўлинг. Бу газета иш жараёнида сизларга зўр маслаҳатчи бўлади", деди. Шу гап сабаб газетага обуна бўлдим ва 2006-йил январдан уни ола бошладим. Унинг биринчи сони билан танишарканман, Сорабиби опанинг сўзлари ҳақиқат эканлигига чин дилдан амин бўлдим. Уни ўқиб дилим яйраб, чарчоқларим тарқаб, фикрларим равшанлашиб, қўлимга ручка олганимни билмай қоламан. Бу газетага ҳурматли устозим - она-тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ражаббика опа Матниёзова билан бирга табаррук таом сумалак қайнатганимиз, Наврўз байрамини қандай нишонлаганимиз ҳақида ёзиб юбордик. Мақола газета саҳифаларида чоп қилинганини кўриб чексиз қувондик. Бизку майли, жамоамизни айтмайсизми, директоримиз Отаназар ака Қиличовнинг севинганларининг чеки йўқ эди. Мен иш фаолиятим давомида газетадан кенг фойдаланиб келаяпман. Қизлар билан суҳбатлар ўтказаман, фикрлашаман, уларни ўйлашга ундайман. Масалан, Комилжон Нишоновнинг март ойида чоп қилинган "Ёш бекага етти сабоқ" мақоласи асосида суҳбат ўтказганимда ўқувчиларим роса қизиқиб, ҳаётий воқеаларни гапириб мулоҳазалар юритишди. 10-синфда ўқийдиган Саида исмли қиз ўрнидан туриб, "Майлими, ўзим гувоҳ бўлиб келаётган бир оила ҳақида гапириб берсам",- деди. Мен жон деб рухсат бердим. Мана унинг ҳикояси:

-Бир оиланинг катта фарзанди етим ўсган қизни севиб қолиб уйланди. Улар анча ночор яшашарди. Қиз чиройли бўлмаса-да, иффатли, хаёли ва жуда ораста эди. Ота-онаси ўлиб, тўрт ёшидан тоғасининг кўлида қолиб, чиройли фазилатли келинойисининг тарбиясини олган экан. Хонадонга келин бўлиб келиб, ораста ва покизалиги билан ҳаммани лол қолдирди. Остонага "барака фаришталари" бирин-кетин қадам қўя бошлади. Эгизак фарзанд кўрди. Куни кеча қайнотаси нафақасига қўшиб берилган лотореяни «эгизакларнинг йўлига» деб очган экан, бирига рангли телевизор, бошқасига гилам чиқибди. Тоғасининг хотини ойимнинг олдига келиб: "Ўзи етимликда ўсди, болаларига бош бўлсин, илойим, минг суйсам ҳам онаси бўла олмагандирман, увалижували бўлиб ўтирганиям кўриш насиб қилсин",- деб дуо қилдилар. Менинг шу давлатли, зайнатли келинга жуда ҳавасим келади,- деб сўзини якунлади Саида. Шунда яна бир қизим ўрнидан туриб: "Мен ҳам гапирсам майлими?"- деб қолди. Униям тингладик.

- Мен бир ораста хонадонни биламан, дарвозадан киришингиз билан гулларни кўриб баҳри дилингиз очиларди, ҳамма ерлари ёғ тушса ялагудек эди. Катта ўғиллари 22га чиққан, кичиги 4 яшар жами, 7 нафар фарзандлари бор эди. Бу хонадонда катта ўғилларини уйлантиришди. Келинлари қўпол, бақириб гапирадиган, орасталикни билмайдиган, лекин жуда чиройли эди. Қайнонаси шунча гапиргани, уқтиргани билан фойдаси бўлмабди. Ювган сочиғи қотиб, совун ҳиди келиб турар, ҳовли супурса ахлатини бурчакка уйиб қўяр экан. "Уйдан фаришта кетди",- деб қайнонаси хасталаниб қолди. Қайнотаси мулоҳаза билан:

- Вақтида мустақил яшаб, уй-жой қилсаларингиз, болаларингиз камолга етганида қийналмайсизлар,- деб янги рўзғор қилиб чиқариб юборди. Мен ундай келин бўлишни ҳеч ҳам хоҳламайман,- деб сўзини якунлади Дилрабо.

Ҳозирги қизларимиз жуда онгли, шу нарсаларни фарқлай олишдими, демак улар яхши ва одобли, ораста, давлатманд келин бўлишлари аниқ. Гулбашакарнинг мақолалари асосидаям бир неча бор суҳбат ўтказиб ўқувчилар билан мулоҳазалар, баҳслар юритдик.

Яна менга газетанинг "Туш таъбирномаси" рукни жуда ёқади. Чунки ҳамма инсон туш кўради, уни яхшиликка ўгириб, яхшилик кутади.

Газетани болаларим ҳам суйиб ўқишади. Турмуш ўртоғим билан эса мақолалардаги муаммолар борасида узоқ баҳслашамиз.

12-сондаги "Келин бўлган куним" сарлавҳали мақолага аксадони турмуш ўртоғим билан фикрлашиб ёзгандим. Газетада номимни кўриб: "Сенинг фикринг уларга маъқул бўлибди, бу жуда халқчил газета экан", дегандилар. Мен шу газетага обуна бўлганимдан жуда бахтиёрман. Чунки газетани қўлимга олганимдаёқ, кўнглим ёришиб, чарчаб келганда бир чойнак аччиқ чой ичиб роҳатлангандагидек роҳатланаман, бу рост.

Фотима БОЛТАЕВА,
Хоразм вилояти,
Қўшкўпир тумани,
"Ших" қишлоғи,
29-мактаб ўқитувчиси.

ОҚИБАТ ХАЙРЛИДИР, АБАДИЙДИР

Биз баъзан одамлар меҳр-оқибатсиз бўлиб кетаяпти, ота-боболаримиз бир-бирига жуда оқибатли бўлишган, эндигилар ундай эмас, деган гапларни эшитиб қоламиз. Хўш, аслида ҳам шундайми? Бизнинг ҳиссамиз, муносабатимиз қай даражада? Шу саволларга жавоб излаб ўтирганимда уйга меҳмон келиб қолди. Булар мен учун энг азиз бўлган тоғажоним (онамдан ёдгор) ва ягона жигарим - опажоним... Ҳам қувончдан, ҳам уятдан кўзимга ёш келди. Қувонишим сабаби мен учун азиз, ҳар томонлама мендан юқори бўлган кишилар менинг хонадонимга ташриф буюришган эди. Уялишим - сўзда оқибатдан кўп гапириб, амалда эса ҳаминқадар эканлигим ошкор бўлди. Ҳа, азизлар, биз баландпарвоз гапиришни хуш кўрамиз. Аммо амалда эса ушбу сўзларнинг тадбиқига кам эътибор берамиз.

Оқибатлиликнинг асоси мана шу ерда - ҳар ким ўзидан, ўз оиласидан бошлаши керак. Фарзандларимиз олдида ота-оналаримизга, қавму қариндошларга, қўни-қўшниларга кўрсатадиган оқибатимиз келажакда ўзимизга бир неча баравар ортиб қайтиши мумкин. Акс ҳолда ўз уйимизда ҳам ғарибона умр кечиришимизга тўғри келади.

Баъзан оилада эр уруғини алоҳида, аёл уруғини алоҳида мақомларда кўрсатишади. "Ана, илонбошилар келишди, энди бу ёқдагиларга ўрин йўқ", қабилидаги маломатлар фарзандларни тоғага бошқача, амакига бошқача, холага бошқача, аммага бошқача назар билан қарашга ўргатади ва улар ўртасидаги қариндошчилик ришталари мўртлашади.

Ойнаи жаҳонда "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи" кўрсатуви орқали бемеҳр фарзандлар ва ғариб ота ҳақида мулоҳазалар билдирилар эди. Мен ҳам экран қаршисида ўз оилам билан ушбу мулоҳазаларга бевосита қатнашар эдим. Фарзандларнинг отага оқибатсизлиги сабаби етарли ёритилмагани мени ранжитди. Ҳаётда абадий қонун бор: «Нима эксанг, шуни ўрасан». Ушбу қонун бизнинг кимлигимиздан қатъий назар амал қилади. Бунда мансабимиз, баландпарвоз сўзларимиз, шон-шуҳратимиз иш бермайди. Одамларга қилган яхшилигимиз, эзгу ишларимиз, солиҳ амалларимиз албатта ўзимизга қайтади. Бунга шак йўқ. Одамларга қилган безътиборлигимиз, беписандлигимиз ҳам ўзимизга албатта қайтади. Бу энди оқибатнинг мазмунидир.

Унутмайликки, осмонга туфурсак, юзимизга тушади, ерга туфурсак, тойиб йиқиламиз. Демак, туфуришдан олдин ўйлаб кўришимиз лозим. Бу билан оқибатсизликнинг олдини олган бўламиз.

Бир киши мушукларни ёмон кўрарди. Кунлардан бирида ёввойи мушук бир талай гўштни олиб қочади. Бундан ғазабланган ўша одам мушукни тутиб, қопга солиб, устидан бензин қуйиб, ёқиб юборади. Мушук даҳшатли қичқириқлар остида қийналиб-қийналиб оламдан ўтганнинг оиласидан кўнгил сўрашга ҳамроҳлик қилишимни илтимос қилди. Аввалига оғриндим. "У хонадонга борганман. Ҳозир эса қиладиган ишларим кўп", - дея эшигимда турган маҳалладошимга жавоб бериб юбормоқчи бўлаётганимда ушбу воқеа орқали Аллоҳ менинг оқибатимни синаётганлигини пайқаб қолдим ва биргаликда бир қанча одамнинг кўнглини олиб қайтдим. Илоҳо, ҳар доим мана шунақа синовлардан омон ўтиб, бир-биримизга бўлган оқибатимизни асрайлик. Зеро, "Ҳар нарсани оқибати билан берсин", - деб бекорга айтишмаган.

Яқинда бир неча кун хасталаниб ётдим. Шифокорга учраб, даволандим. Шифокор оиласи билан менинг оилам ўртасида бир неча йиллик яқин алоқалар мавжуд. Шифокорнинг фарзандлари менда таълим олган бўлса, менинг оиламдагиларга шифокорнинг кўп хизмати сингган.

Даволаниш муддати тугагач, мен юракдан чиқариб, шифокорга бир оз пул бердим. Шифокор эса менинг бу ишимдан ранжиб, бир неча йиллик яқинлигимизга путур етказманг, деди. Мен бор-йўғи хизматига арзимас ҳақ тўлаётганлигимни айтсам, у ўртамиздаги кўп йиллик оқибатни рўкач қилди.

Ана азизлар, оқибат бор жойга пул сиғмайди, пул аралашган жойда эса оқибат бўлмайди.

Шундай экан, барча дунё бойликларидан ортиқ бўлган оқибатимизни янглишиб пучак пулга алмаштириб қўймайлик. Зеро, бойлик вақтинча, оқибат эса абадийдир.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

Мактубларингиздан бири...

ЎҒЛИМНИ ТОПСАМ, АРМОНИМ ЙЎҚ

- Мен асли Жиззах вилоятининг Зарбдор қўрғониданман. Исм-фамилиям Зулфия Мамирова, «Гулнора» ҳам дейишади. Ёшим 46 да. Лекин оғир ғам-кулфатларни кўп бошдан кечирганим туфайли сочларим оқариб, кексайиб қолгандайман.

Отам қариндошчиликни қадрлайдиган одам бўлганлари боис, Самарқанд вилоятлари жияну бўлалари билан бориш-келишни канда қилмасдилар. Болалигимда ўша ерлик қариндошларидан бирининг ўғлига бешик керти қилиб қўйган эканлар. Балоғатга етганимда 1978-йил ёзида тўй қилиб узатишди. Мардонқул ака билан 5 йил бахтли яшадик. Қизу ўғиллик бўлдик. Қисматни қарангки, нимадандир заҳарланибми ё ғаниимлар ғаламислигиданми у 3 кун ичида касал бўлиб вафот этди. Не-не орзу-ниятларимиз бор эди. Ҳаммаси чилпарчин бўлди. Бунинг устига онамнинг қилиғи ошиб тушди.

Дарвоқе,шу ўринда отамнинг ҳақида гапириб ўтмасам бўлмайди. Отам жуда меҳрли, болажон, 87 ёшда. Онам баджахл, ўжар бўлганлиги боис, отам бошқага уйланган. Шунда ҳам акам ва менга оталик бурчини аъло бажарган.

Халойиқ марҳум эримни жойига қўйишга кетиши билан онам: "Болаларингни ташла, сени олиб кетаман", деб қистовга олди. Маъракалари ўтсин, деб ёлвордим, қайнона-қайнотам ва бошқалар шунча айтишди кўнмади. Не кўргиликки, қизу ўғлимни олиб уйга қайтдик. Шу кундан бошлаб сарсон-саргардонлигим бошланди.

- Болаларингни ташлаб келганингда дарҳол эрга берардим, - деди борган кунимданоқ онам. - Ҳали ҳам йўқотасан.

Бутун вужудимни совуқ тер босди. Онаизор-ку, раҳмшафқат қилар, деб тилимни тийдим. Қолаверса, бир нарса айтишга ҳам шу кунлар мажол йўқ эди менда. Кун сайин ўзимга бўлса ҳам майли, болаларимга ҳам онам, бош янгам, унинг гапига кириб акам уччовлашиб тазйиқ ўтказишарди. 3 яшар қизимни чимдиб аъзойи-баданини моматалоқ қилишди. Норасида 6 ойлик ўғлимни отворган кунлари ҳам бўлди. Ўзимга эса ит азобини беришди.

Қийноқларга чидолмай марҳум эримникига қайтиб бордим. Улар илиқ қаршилашди. Набираларини, ўзимни янги кийим-кечак билан сийлашди. Кўзимиз овқатга тўйиб, ҳузурҳаловат топдик.

- Аввалгидек яшайверинглар, инсофга келишса, олиб кетишар. Бўлмаса бир гап бўлар,- деди қайнотам далда бериб.

Болаларим қайнона-қайнотам учун ўғилларидан ёдгор эмасми, жонига жойлашарди. Йиллар ўтди. Қизим 5, ўғлим 3 га кирди.

- Келинжон, гап бундай,- деди бир куни қайнотам чуқур хўрсиниб. - Ҳали ёшсиз, турмушга чиқишингиз мумкин. Малол келибди, деб ўйламанг, набираларим ва ўғлимнинг арвоҳи ҳурмати келиб-кетиб юраверасиз. Маъқул десангиз, Ғаллаоролнинг Турк қишлоғилик ошнамнинг ўғлидан совчи келяпти. Бу гаплар менга қанчалар оғир бўлса-да, айтишни лозим топдим.

- Ўзларингиз биласизлар,- дедим анча сукут сақлаб.

Хуллас, Эгамов Муҳриддин деган кишига эрга беришди. Ўзига тўқ оила экан, бир йилча бахтли яшадик. Энг муҳими, болаларимни ўгайламади. Қисматни қарангки, бу эрим автоҳалокат туфайли туғилажак фарзандини кўролмай ҳаётдан кўз юмди. Охирги маросимгача ўтказдим. Ўғлим Жамшид ёшига етгач, розилигимни олиб, уйимизга элтишди.

Қўлимда болани кўрган онам аввалгидан баттар жаҳли чиқиб ҳовлини бошига кўтарди:

- Эрсираб яна туғибсан-да, уни йўқотасан, шунда ҳам қолишингни ўйлаб кўрамиз.

- Етимчаларни боқиб, зарур кептими,- янгам оловга керосин пуркади.

Қанчалар йиғлаб ёлвормай онам ичкарига қўймади. 3 болам билан "Мани" қишлоғилик марҳум эримнинг опасиникига бордим. Воқеани айтдим. Аҳволимга ачиниб, "Ўзингизга тинч томонини кўрасизда", деди. 1986-йил ёз пайти эди. Эртасига 2 болани шу ерда қолдириб, гўдагимни бирон кишига бериб келиш учун Самарқандга жўнадим.

Автобусдан тушиб, анча вақт уйқудаги бир яшар норасида ўғлимга қараб, гоҳ атрофга олазарак боқиб, телбаларча юрдим. Болани қаерга, кимга қолдиришни ўйлардим. Хаёлимни гўдагим ва ўзимнинг аччиқ қисматим, кўра-била туриб гуноҳли иш қилаётганим қамраб олган. Бу мудҳиш йўлдан қайтай десам, онамнинг дўқ-пўписаси кўз олдимга келарди.

Ниҳоят виждоним азоб алангасида қоврилса-да, боламни ташлашдан ўзга чора топмадим. Автошоҳбекатнинг бир четида «Жигули»си болонини ечаётган 45-50 ёшлардаги кишига яқинлашиб:

- Ака, мана буни ўйнатиб туринг,-деб ўғлимни унинг ёнига қўйиб, ҳай-ҳайига қарамай жўнавордим. Оломонга аралашиб қаёққа, нимага бораётганимни билмай гангиб кўчанинг у ёғидан-бу ёғига ўтаётгандим, қаршимда келаётган "Камаз"ни кўрдим. Тамом... Орадан ўнлаб соатлар ўтганми, ё кунларми кўзимни очсам Самарқанд шаҳар касалхонасининг жонлантириш бўлимида ётибман.

- Қандай, синглим, тузукмисиз? - кўришга кирган дўхтир аҳволимни сўради ва сўзида давом этди: - Операция 6 соат давом этди. Болаларингиз ва яқинларингиз бахтига омон қолдингиз.

"Кимгадир ташлаб кетган боламнинг оҳу ноласи урди",- демоқчи бўлдиму ўзимни тийдим ва: -Раҳмат, сизларга минг раҳмат,- дедим.

- Сизни оғир аҳволда бир киши шошилинчда кимлигини ҳам сўрамабмиз, бу ерга келтирдию, кетди, қайтиб уни кўрмадик - дея дўхтир кимлигим ва қаерданлигимни сўради.

Мен ўзимни таништирдим. Бир ойлик даволанишдан кейин хотирам сустлиги (қаерданлигими эслай олмайдиган бўлиб қолганман) учун мени Наманганга юборишди. У ерда 3 ой бўлиб, анча тузук ҳолда марҳум эримнинг акасиникида қолдирган қизим ва ўғлим ёнига келдим. Қайнбекам авваліга шаънимга нималар демади. Бўлган воқеани айтганимдан сўнг, жуда ачиниб, узр сўради. "Ҳамишагидек яшайверинг",- деди.

Ўзимни анча тутиб олгач, мақсадимни билдирдим:

- Опажон, умрингиздан минг бор барака топинг. Жавоб берсангизлар, уйдагилар инсофга келиб қолгандир.

- Ҳа, майли. Лекин укам ҳурмати болаларни унутманг,- деди у.

Онамдан (у ҳозир 82 ёшда) ниҳоятда кўнглим қолгани учун уйга бормай, кўча сарсонликда анча вақтни ўтказдик. Дўстларобод қишлоғидан Челак шаҳрига пиёда кетардик. Қаршимиздан чиққан нуроний бизларга ачинди шекилли сўз қотди:

- Қизим, сўраганни айби йўқ, қаерга бораяпсизлар?

- Борар жойимиз йўқ, кўча сарсонмиз, - дедим яширмай.

У ғоят қайғуриб, уйига киргизди. Уйидагилар ҳам эътироз билдиришмади. Бир йил рўзғорига қарашиб яшадик. У киши дуохон мулла Юсуф бобо эди. Охиратлари обод бўлсин. Ўзи никоҳлаб, ҳозирги яшаётган умр йўлдошимга берди. Минг бор розиман. 5 нафар фарзанд кўрдим.

Очиғи, 1988-йилдан буёғига ҳаётим тинч. Минг афсуски, онам қистови билан йўл қўйган хато-ю, адашишдан виждоним азобда. Кўп йилдирки "Меҳр кўзда" кўрсатувини қолдирмай кўраман. Ўғлим Жамшиджон ёки уни вояга етказган кимдир мени излаяптимикан, деб умид қиламан. «Меҳр кўзда»нинг шу йил мартдаги сони бўлса керак, чалароқ кўрдим. Кекса киши бир болани катта қилгани, ота-онаси ё яқинлари хабарини билсин, деб студияга келганини айтиб, боланинг расмини кўрсатди. Отасига ўхшатдиму ўғлим эканига ишондим. Лекин отахон ким эканлигини ва манзилини эшитолмадим.

Шу кундан бери Жамшиджонни излаш ҳисси менга тинчлик бермайди. Муддаом ўғлимни топсам, бу ҳаётда армоним йўқ. Шу хусусда газетанинг кўмагига мухтожман.

Зулайхо МАМИРОВА,
Самарқанд вилояти,
Пайариқ тумани,
Охунбобоев номли ж.х,
Навбаҳор маҳалласи,
Шаммат қишлоғи.

Эргаш САТТОРОВ
ёзиб олди.

ҚИЗИМНИ КИМЛАР СЎРАМАСДИ...

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Бир ташвиш туфайли бу ерга келдим. Бу ўй мени "давлена" қилди.

- Нима гап, тинчликми?

- Қизим айбсиз айбдор бўлиб қолди. Энди 28 га кирса-да, бир банда сўрамайди, "қари қиз" бўлиб ўтирибди. Эссиз, эссиз-а, кимлар олмасди...

- Онахон, бунчалар қайғуриб, ўзингизни касал қилганингизда бахти очилармиди? Ахир пок қиз бўлса, тенги чиқиб қолар...

- Эй, тўртта қизим бор. Учтасини мактабни битирар-битирмас узатганман. Сабаби, совчиларнинг кети узилмасди. Тақимига тушадиган сочларини қирқтирмагандим, енгсиз кийим кийдирмагандим. Иккита келин туширдим, қудаларим билан орамиздан қил ўтмайди. Фақат мана шу қизимни айбдор қилиб қўйишмаганда эди...

- Йиғламай гапиринг, қанақа айб, ким қилди?

- Еттинчи синфда ўқирди. Мактабдан қайтаётганида кўчада келаётган болалар бир-бирига тош отиб уришаётган экан. Шунда улар отган тошнинг бири беҳосдан мактаб дарвозасидан чиқиб қолган қизимнинг кўзига теккан. Бир пайт "дод"лаб ҳовлига кириб келса, денг. Нима қилишни билмаймиз. Тезда дўхтирга олиб бордик. Фойдаси йўқ. Чунки кўз гавҳари оқиб тушган экан. Мана энди шу қизимни ҳеч ким сўрамайди. Ўшанда тошни отган боланинг ота-онаси ҳам югуриб келишди. Биров: "Судга бер", - деди, кимдир: "Пул ундир", - деди. Яна биров: "Қишлоқчилик, кечириш керак", - дея маслаҳат берди. Бошимиз қотиб турган бир пайтда шу боланинг ота-онаси ҳовлимизга кириб келди-да, кечирим сўраб, маслаҳатли иш борлигини айтишди. Эшитсак, мелисага бермаслигимизни илтимос қилиб, мактабни тугатгандан кейин шу ўғлига қизимни олиб беришларини айтишди. Бу гап бизни яна ўйга солди. Кейин хўжайинним билан чуқур мулоҳаза қилдик-да, уларнинг таклифига рози бўлишга келишдик. Чунки қаматгандан ёки пулини олгандан фойда йўқ эди. Қизимни энди бу аҳволда биров олмаслигини билардим. Хуллас, ўзаро келишиб олдик. Вақт ўтди, излар босилди. Қизим ўшандан кейин доим кўзини рўмол билан бекитиб юрадиган бўлди. Мактаби ҳам битди. У йигит коллежда ўқиди. Қизим ўқишга ҳам бормади, уйдан ҳатлаб чиқмайди.

- Ваъда берганлар нима бўлди?

- Ҳалигача бир гап йўқ. Ўзим боришга уяламан. Қишлоқ жой бўлса, гапсўздан қочаман. Ўғли Тошкентда ишлаяпти. Яна бир томони, ўзим бориб, мажбурлаганимда ҳам оила бўлармиди? Бир-икки йил яшаб, қўйиб юборса, бир дардим икки бўлади-ку. Бир маслаҳат берадиган инсон бормикан?

- Тўғри айтасиз, мажбурлаб яшатиб бўлмайди. Шуни айтадиларда, бир таёқ бахт, бир таёқ бадбахт, деб. Йигит ҳам бундай фалокат юз беришини билганида, тош отмас эди. Қизингизнинг ҳам тенги чиқиб қолар. У ўзини сиқиб уйда қамалиб умрини ўтказгунча, у-бу иш билан овунгани яхши. Ҳатто икки кўзи йўқлар ҳам нималардир қилиб юришибди-ку.

Балки бу борада газетхонларимиз ҳам фикр билдиришар.

Матлуба ШУКУРОВА

ЁРИНГИЗ СИЗГА МЕҲР ҚЎЙСИН!

Арслоннинг дардли дил изҳорини ўқирканман, унга жуда ачиндим. Менга қолса Арслон қизнинг севгисидан воз кечгани маъқул эди. Тўғри, эҳтимол уларнинг туйғулари чин муҳаббатдир? Аммо фақат туйғулар билан яшаб бўлмайди-да. Тўй ўтиб ҳақиқий ҳаёт билан бирга турмушнинг муштлари ҳам бошланиши табиий. Икки қудадан бири норози бўлгандан кейин охири бахайр бўлармикан? Куёвнинг барча камчиликлари баралла айтилиб, қизга таъналар қилишмайдими?

Агар Зебо уни чин дилдан севса кутиши, ота-онаси ҳам бунга чин дилдан розилик беришлари керак, деб ўйлайман. Балки улар энг бахтли оила ҳам бўлиб кетишар? Чунки мен Нукусдаги ана шундай бир оилани биламан. Ҳар гал борганимда уларни кўраман. Ҳавасим келади.

Бахтиёр деган бу йигит соппа-соғ бўлиб, мактабда аъло баҳоларга ўқир, уйдагиларига ҳам ёрдам берарди. У кутилмаганда бир касалликка чалиниб, аввалига оёқ-қўли ишламасдан анча ётиб қолди. Кейин муолажалар сабабми, ёки ёш тананинг қуввати боисми, аста-секин соғая бошлади. Охири уйда эмаклаб юрадиган, қўллари билан у-бу ишларни бажарадиган бўлди. Фарзандининг касали анча чўктириб қўйган ота-онаси ишга, укалари ўқишга кетишгач у ёлғиз қолиб тушкунликка тушарди. Бунинг устига кўнгил қўйган қизи ҳам бошқага уналтирилганди. Бахтиёр севгисини унутишга, нима бўлмасин ўз кунини ўзи кўришга аҳд қилганди. Шу боис ҳунар ўрганмоқчи бўлди. Бир куни телевизорда тўқиш машғулотлари ҳақида кўрсатув бўлибди. Бахтиёр шуни кўриб бир қарорга келади. Нимага тўқишни ўрганмасин экан? Ахир бармоқлари яхши ишлайди-ку! У аммасидан тўқийдиган асбоблар ва бир неча калава иплар олиб келиб беришини сўрайди. Онаси ҳам тўқишни билгани учун ўглига бу ҳунарни ўргата бошлади. Кўп ўтмай у пайпоқ, нимча ва жемперлар тўқишни ўрганиб олди. Олти ойдан сўнг у бемалол уйига буюртмалар ола бошлади. Ҳовлидаги беҳи остига ўтириб олиб радиосини эшитиб завқу-шавқ билан бир-биридан бежирим кийимлар тўқир, дориларига пул топар, рўзғорга ҳам ёрдам берарди. Кўп ўтмай тикув машинаси сотиб олди. Маҳалласидаги болаларга мактаб формаси, юбкачалар, фартукчалар тика бошлади. Унинг буюртмалари шу қадар кўпайиб кетганидан бир-иккита қизларни шогирдликка олиб уларга иш ўргатди. Тикувчиликдан тузукина маблағ ишлагач, уйларидан кичикроқ дўконча очди. Ўзига ногиронлар аравачаси сотиб олди. Шундан сўнг кўчаларга бемалол чиқиб келадиган бўлди. Бир куни қўшнисининг иккита радиосини ташлаб юбораётганини кўриб қолди. Ундан буларни ўзига беришини илтимос қилди. Кейин уйда уларни қун бўйи кавлаштириб, биттасини амаллаб тузатди-да, қўшнисига олиб чиқиб берди. Кейин иккинчисини ҳам тузатди. Бахтиёр телевизор тузатадиган устага қатнаб бу ҳунарни ҳам эгаллади. Дазмол, радио-телевизор ҳам тузатадиган бўлди. Шундан сўнг онасини ишга юбормади. Ўзининг топиши-тутиши билан рўзғор юкини зиммасига олди. Вақти келиб укаларини уйлантиришди, уй олиб бериб алоҳида қилиб ҳам қўйишди. Укалари дўконда ишлашар, Бахтиёрга керакли нарсаларни топиб олиб келиб туришарди. Ногирон ўғлининг меҳнатлари, ҳаракатлари туфайли оила қийинчилик кўрмасди. Фақат унга мос келадиган келин йўқ эди, холос. Аммо, Бахтиёрнинг омади бор экан. Қўшнисиникига тўйга келган бир қизни кўриб унга ишқи тушиб қолди. Қиз ҳам у билан яхши гаплашди. Кейин Бахтиёр пайсалга солмай уникига совчиларини юборди. Буни қарангки, қизнинг уйидагилар ҳам рози бўлдилар.

- Ногирон бўлса нима қипти? Бутун бошли оиласини боқиб ўтирибди. Имонли йигитга ўхшайди, - дейишибди. Ҳаммаси яхши бўлди. Аммо тўй куни келинчак аравачадаги Бахтиёрни етаклаб дарвозадан кириб келганида ҳамманинг кўзига ёш келди. Чин кўнгилдан иккисига бахти тилашди. Кўпнинг дуоси ўтади-да. Улар ҳозир икки фарзандли бўлишган. Бахтиёр ҳалиям устачилик қилади. Нукуснинг марказидан дўкон очган. Тикувчилик ишларида хотини Лобар унга ёрдам беради.

Арслонбек! Юра олмайдиган бир йигитки шунчалик мартабага эришибди. Сизнинг бармоқларингиз йўқ экан, холос. Шуни ҳалитдан юзингизга солган оиладан қиз олиб бахтли бўлиб кетармикансиз?

Шуни бир ўйлаб кўринг! Бир қизни деб ота-онангизнинг юзига оёқ қўйиб уни олиб қочиб кета кўрманг.Исноддан уларнинг бошини эгасиз. Танлаган ёрингиз сизнинг қиёфангизда ногирон кимсани кўрмасин. Балки, иродали турмуш қийинчиликлари, синовларидан сабру тоқат ва чидам билан ўтиб, ҳаётда ўз ўрнини топган инсон сифатида сизни севсин, сизга меҳр қўйсин. Шунда албатта бахтли бўласиз.

Авезжон БЕКМУРАТОВА,
Тошкент шаҳри.

"Ногиронлик айбми?"
24 - сон, 2006 йил.

ЭСЛАТМА: Бир қизга кўнгил қўйиб, совчи юбордим. Унинг келинойиси ногиронлигимни—қўлимдаги бармоқларим учталаанлигини уйдагиларига айтибди. Қиз эса уларнинг қаршиликларига қарамай менга турмушга чиқишга рози. Нима қилай? Уйланайми!.. Кейин орамизга совуқчилик тушмасмикан?

Муаллиф: Арслон, Тошкент вилояти.

Ушбу дил изҳорини ўқиб, бир воқеа ёдимга тушди. Бундан 5-6 йил бурун қайсидир газетада уйланмай юрган бир ногирон йигит ҳақида мақола ўқигандим. Ўша йигит айни навқирон даврида икки оёғи радикулит бўлиб қолади. Уни текширган шифокорлар агар тиззадан пастини кесиб ташламаса, касал бутун танасига тарқалиши аниқ эканлигини айтиб, йигит ва оила аъзоларининг розилиги билан операция қилишади. Икки оёғининг тиззадан пастини кесиб, ўрнига ёғоч оёқ қўйишади. Лекин барибир юра олмай, аравада ҳаракатланадиган бўлди.

У ўқимишли, ақлли, зийрак, келишган йигит бўлганлиги учун институтга хужжат топшириб, сиртдан олий ўқув юртида ўқиб, у ерни битиради.Мактабда иш бошлайди.

Кунлардан бир кун дам олиш куни кўчада аравада газета ўқиб ўтирса, келишган, истарали бир қиз йигитга зимдан разм солиб ўтиб кетади. Кейинчалик қиз йигит ҳақида суриштириб, уйланмаганлигини билиб олади. Худди Арслонбекка ўхшаб, ногирон номини олиб, ҳеч ким қизини бермаган экан. Шунда ҳалиги қиз онасига: "Онажон, сиз отажоним билан маслаҳатлашинг. Агар рози бўлсанглар, мен шу йигитга турмушга чиқаман", - дебди. Онаси: "Қандай бўларкан? Икки оёғи йўқ бўлса... Қийналиб қолмайсанми?" - дебди. Қиз: "Йўқ", - дебди. Отасига бу ҳақда айтган экан, "Майли, қизимизга маъқул бўлган бўлса, розиман", - дебди. Улар турмуш қуриб, 2 ўғил, 3 қизли бўлишибди.

Қизнинг ота-оналари ҳам шу ўғлимнинг ногиронлигини таъна қилмай, қизларини беришганда қанча савобга қолишарди.

Паттихон САМАДОВА
Фарғона вилояти,
Ўзбекистон тумани.

ЯХШИЛАР КЎПАЙСИН, ЯХШИЛАР

Оиламиз даврасида бу мақолани ўқиганимиздан сўнг дадам кула-кула ўзларининг бошларидан ўтказган шунга ўхшаш воқеани айтиб бердилар.

- 1990-йилнинг апрел ойи эди. Ўша вақтлари патент олиб, ўзимнинг шахсий "Москвич"имда киракашлик қилар эдим,-дея сўз бошладилар дадам.

-Кундуз соат тахминан 2-3ларда "Эски шаҳар"даги табиат музейи олдидаги бекатга келдим. Бекатда турган одамлар ичидан бир йигит югуриб чиқиб, қўл кўтарди. Мен тўхтадим. У машина эшигини очиб:

- Ў ака, ҳозир эшитдим, фарзандлик бўлибман. Хотинимнинг 1-туғруқхонада кўзи ёрибди. Тезроқ ўша ерга борайлик, ундан кейин бизни "Кўкча"га олиб бориб қўясиз. Мен сизни хурсанд қилиб юбораман,- деди.

Мен розилик билдирганимдан кейин шериги билан бирга машинага ўтиришди. Зимдан кузатсам, яхшигина кийиниб олган, кайфияти зўр. Бир оз юрганимиздан кейин мени гапга сола бошлади. 1-шаҳар касалхонаси қаршисида кўп қаватли уйлар қурилаётган вақт, йўлнинг чети чанг эди. У йигит машина чанг бўлмаслиги учун касалхона дарвозаси олдига бурдирди.

- Ака, менга 50 сўм бериб туринг. Биз ўртоғим иккаламиз мана бу қутидаги "сервис"ни бор пулимизга олган эдик. Инсофли одамга ўхшайсиз. Мен хотинимни кўриб, шифокорларга суюнчи бериб, танишимдан озгина спирт сотиб оламан. Кейин бизни "Кўкча"га олиб бориб қўясиз ва мен сизни рози қилиб юбораман,- деб шеригидан битта картон қутини олиб, ўзи ўтириб келган ўриндиққа қўйди. 10-15 минут ичида чиқишини ваъда қилиб, мен берган 50 сўмни олиб, касалхона ичига кириб кетишди. Ўша пайтларда туғруқхонага касалхонанинг ичидан ўтиш қулай эди. Чунки катта йўлда қурилишлар бўлаётгани учун чанг кўп эди. Ёнимдаги ўриндиқда қутичадаги "сервиз" гаровга қолди. Орадан ярим соат ўтди. Кўнглим ғашлана бошлади. Лекин қутичага қарайман-да, "сервиз" ёнимдалигини кўриб, ўзимни тинчлантираман. Яна ярим соат ўтди. Кўнглимга ғулғула туша бошлади. Қутичани кўтариб кўрсам оғиргина. "Лола" креминнинг қутиси экан. Ипини ечиб кўрай десам, тугуни учма-уч боғланган. Қайтиб боғлашнинг иложи йўқ. Яна ярим соат кутдим. Қутичани қўлимга олиб, секин ипини бир томонга сура бошладим. Боягиларнинг қайтиб келишидан умидимни буткул узган эдим. Бир амаллаб қутичанинг ипини бир четга суриб очдим. Не кўз билан кўрайки, ичида нарсаларни эҳтиётлаб қутига жойлашда ишлатиладиган оқ пўкаклар ва ўртасига каттагина ғишт жойлашган экан. Машинани жаҳл билан ҳайдаб кетаётиб қутичани ойнакдан улоқтириб юбордим.

Бу 16 йил муқаддам бўлган воқеа. Ўшандан кейин қанча шунга ўхшаш воқеалар бўлиб ўтди. Энг охирги алданганим бундай бўлди:

Сергели туманидан "Тико"мда шаҳарга қайтиб келаётган эдим. "Фрегат" кафеси қаршисидаги бекатда тахминан 40 ёшлар атрофидаги киши аёли билан тўхтатди. Эшикни очиб:

- Амаки 300 метрча ичкарига кирамиз. Цехдан 3 та сетка олиб чиқамиз ва бизни "Чилонзор"нинг 19-мавзесидаги автомактаб бекатига олиб бориб қўясиз. Сизга 1500 сўм бераман. Фақат 10 минутча пойлаб турасиз,-деб айтди.

У кўрсатган жойгача бордим ва соя жойга машинамни тўхтатдим. Улар машинадан тушаётганида аёли менга ғалати тиржайиб қўйди. 20 минутча пойладим. Кейин тушиб, улар кириб кетган дарвозадан ичкарига мўраладим. Ҳовлида юрган отахондан бояги кириб кетганларни сўрасам, у киши:

- Эй иним, улар ҳов анови домларда яшовчилардан бири-ку. Сизни ҳам алдаб кетишдими? Ичкарига жойлашган домларга бизнинг ҳовлимиздан ўтиш қулай,-деди.

Мен отахонга раҳмат айтдим ва йўлимга кетаверидим.

Дадамларнинг бу ҳикояларини эшитиб, мириқиб кулдик. Лекин ҳаётимизда ҳалигача бундай худбин, туллак ва муттаҳам одамлар борлиги бизни ўйлантириб қўяди. Ҳеч бир инсон онасининг қорнидан ёмон одам бўлиб дунёга келмайди. Ҳар бир инсон ўзи яшаб турган муҳит таъсирида шаклланади, тарбия олади, вояга етади.

"Қуш уясида кўрганини қилади",- деган ҳикматли сўз бор.

Мен истардимки, ҳаётимизда яхши, онгли, покиза ва ҳалол инсонларни вояга етказувчи оилалар кўпаяверсин!

Вазирабону ҚОСИМЖОНОВА,
Тошкент шаҳридаги
63-мактабнинг 11 "А" синф
ўқувчиси.

"Кўнгилчанлик қилиб",- 24-сон

ЭСЛАТМА: Чорсудан таксида кетаётгандик. Йўл-йўлакай ҳайдовчи бизнинг розилигимиз билан бир кишини машинасига олди. У анча юрганимиздан сўнг, қўлидаги сумкасини қўйиб, бир жойга кирдида, қайтиб чиқмади. Ҳайдовчи эса яхшилик қилганига афсусланиб, иккинчи бировга яхшилик қилмаслигини айтди.

Муаллиф: А. Бекмуратова.

ТАБРИКЛАЙМИЗ



Ҳурматли МИРМАҚСУД ака!
Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Узоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Бизнинг бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг.
Фарзандларингиз.

Акажоним Сайфулло ҚЎЛДОШЕВ!
60 ёшингиз муборак бўлсин. Фарзандларингизга бош бўлиб, набираларингиз бағрида кексалик гаштини суринг.
Синглингиз София.

Азиз набирамиз БАХТИЁРЖОН!
Туғилган кунинг билан табриклаймиз. Бахтингни, камолингни кўриш насиб этсин. Ҳаётинг булоқ сувидек тоза, умринг чинор умридек узоқ бўлсин.
Тоғанг ва холаларинг.

Ҳурматли рафиқам Фотима ПАЙЗИЕВА!
Таваллуд айёминг билан табриклайман. Соғлиқ, бахт ва ишларингда омадлар тилайман. Бахтимизга умринг узоқ ва нурли бўлсин.
Турмуш ўртоғинг ва оила аъзоларинг.

ОТАБЕК, ЗИЛОЛАХОН, НИЛУФАРХОН, РАСУЛЖОН!
Сизларни никоҳ тўйингиз билан табриклаб, бахту саодат тилайман.
Иброҳим акангиз.

ДИЛРАБО ва ЁРҚИНБЕК!
Никоҳ тўйларингиз муборак бўлсин. Сизларга соғлиқ, узоқ умр ва бахт тилаймиз.
Оила аъзоларингиз номидан акангиз Рисқидин, жиянларингиз Ҳасан-Ҳусан.

ҲАЁТИЙ КУЗАТМАЛАР

"Оила ва жамият" ўгитномаси

Шундай фирибгарлар борки, Яратганни ҳам, ҳатто туққан онасини ҳам ўртага қўйиб қасам ичадилар. Шулардан ўзинг асра, Худойим!

* * *

- Нега шу қабиҳ ишга қўл урдинг дўстим?- дегандан кўра, унинг олдини олиш ҳақиқий дўст жасоратидир.

* * *

Ҳозирда маза-матрасиз қўшиқлар шундоқ кўпки, уларни итковуннинг уруғига ўхшатиш мумкин.

* * *

Қалдирғоч барча уйга ин қуриб кетавермас экан. Тинч, фаровон, жанжалсиз уйларга ин қуради.

* * *

Яхши инсонларнинг дўсти битта ёки иккита бўлган. Аммо бойлигу амали учун дўстлар-чи? Сон-саноқсиз...

* * *

Саломатликни тўшакка михланиб қолмаслик учун асраш керак.

* * *

Дунёда аччиқ нарсалар кўп. Аччиқ тош, заҳар, қалампир ва ҳоказо. Бироқ энг аччиқ нарса, умрнинг заҳри - инсон тили...

* * *

Қуёш битта. Шундай бўлса-да доимо нур сочиб туради. Қани энди барча инсонлар қуёш сингари бўлганида эди...

* * *

Ер юзидаги инсонларни самодаги юлдузларга қиёслаш мумкин. Ёркин ва озгина хирароқ.

Бир донишманд айтди:
- Болам, доимо оқар сув бўл. Зинҳор кўлмак бўлма!

* * *

Донишмандан сўрашди:
- Дунёда энг ширин нарса нима?
- Дунёда энг ширин нарса - бу ҳақиқий дўстлик.

* * *

Ҳар ишнинг бошланиши ва интиҳоси бор. Ҳамма гап ўша охирги нуқтани қўйилмақом қўйишда.

* * *

Кузатсам, тўйларимиз анча ихчамлашди. Олди-бердилар камайди. Лекин бошлари омон бўлсин аёлларимиз тўйларда ўзларича "янги ихтиро"лар ҳақида бош қотирмоқдалар.

* * *

Инсоннинг тили асал ёки заҳарли бўлиши мумкин. Нақотки, шул қисқа, умргузарон давримизда, асал тилга яқинроқ, заҳар тилдан узоқроқ юриш мумкин эмас.

* * *

Адолат қайиғида ҳамма ҳам бирдек сузиб кета олмайди. Айрим, нопок кимсалар шу қайиқни ағдараман деб, ўзлари ҳам турли бало-офатларга гирифтор бўладилар.

Султонмурод ФАЙЗИЕВ,
Бўка агросаноат коллежи ўқитувчиси.

ТУТ КАЛЛАГИДАГИ АЛВАСТИ

Ажойиб-ғаройиб

Тожихон ая бу йил қурт бокди. Дастёрнинг бори яхши экан-да, унинг ўн тўрт ёшли ўғли жуда яхши ёрдам берди. Нодирбекнинг ўзи тутни кесиб, шохларини елкалаб келаверади. Кунларнинг бирида у мактабдан қайтиб, дала йўлидаги тутқаторга йўл олди. Бу жой қишлоқдан жиндай овлоқроқда эди.

Нодирбек қари тутларнинг бирига чиқди-да, уни каллак уриб, шохларини йиғиштириб бойлади. Сўнг уни елкасига олмоқчи бўлиб шайланганида, аёл кишининг овози эшитилди.

- Кўтаришиб юборайми?

Овоз келган томонга қаради-ю, Нодирбекнинг сочлари тикка бўлди. Уч қадамча нарида бўйи баланд теракка қиёслагандек аёл турарди. Унинг жигарранг кўйлаги шунақаям узун эдики, ундан жигарранг нур таралиб турганди.

Уйига бориб келди.
Қулоғидан тортқилаб,
Дадаси олиб келди.

Танаффус бўлган маҳал,
Уни дарров ўрадик.
- Сенга не бўлди, ўртоқ? -
Қизиқсиниб сўрадик.

Елка қисиб қўйди у,
Ёки сир бой бермади.
Оғзидаги сақичи -
Унинг жондай эрмаги.

Бир оғиз сўз айтмагач,
Биз ҳам парво қилмадик.
Қўнғироқ ҳам чалинди,
Кириб, дарсни тингладик.

Қарасак, йўқ ўрнида,
Ҳайрон қолдик рости, биз.
"Қуён" бўпти уйига
Қуёнбоқар дўстимиз.

ЁСТИҚ

- Менга қўйиб ётасиз,
Кечаси бошингизни.
Йиғласангиз ютаман -
Тўккан кўз ёшингизни.

Майли, бунга чидайман,
Айтай энди бўлакни:
Ётингизлар илтимос,
Оқизмасдан сўлакни.

ВАҚТИНЧАЛИК СОВҒА

Тугилган кунинг билан
Табриклайман, ол, Маъруф.
Бугунчалик сеники,
Эртага бер қайтариб!

ХАВОТИР

Бир кун қўнғиз уйига,
Чақирди қирқоёқни.
Дўсти келмасдан бурун,
Супурди ҳамма ёқни.

Ертўланинг тўридан,
Меҳмон учун жой солди.
Шу заҳоти қирқоёқ,
Лапанглаб келиб қолди.

Кираверинг, деб қўнғиз,
Ўзи ўтирди секин.
Бир соат ўтса ҳамки,
Ундан дарак йўқ лекин.

Мезбон ҳам ҳайрон бўлиб,
Эшикни очса бундоқ-
Қирқинчи калишини,
Ечар эди қирқоёқ.

ҚОЛМАЙДИ

Муаллим сўрар:- Соли,
Сенда ўнта шафтоли.
Единг, дейлик бештасин,
Қолар шунда нечтаси?

Иштаҳада хаёли,
Тамшаниб, у жилмайди:
- Ўйлашга нима ҳожат,
Еб қўяман, қолмайди?!

МУРОСАСИЗ СУҲБАТ

Бир кун супурги ва чанг,
Бошлаб қолди шундоқ жанг.
Сачраб оғиз тупуги,
Ўшқираради супурги:

- Ўзингдан унча кетма,
Ётаверма йўлимда.
Яна шунақа қилсанг,
Сенга жазо - ўлим-да!-

Бу сўзларни эшитиб,
Бироз боши гангиди.
Ҳақоратга чидолмай,
Сўнг чанг роса чангиди:

-Ўчир, ҳой бели сингур,
Не қилардинг бақириб?
Мен бўлмасам, кетардинг -
Аллақачон ёқилиб!

"МЕҲРИБОН" АКА

Кор ёққани мен учун,
Зўр бўлди-да янада!
Ҳаттоки мактабга ҳам -
Бораяпман чанада.

Бир укам бор, чанани
Судрамоқни хушлайди.
Чанага яқин борсам,
Дарров ипин ушлайди.

Полвон йигит бўлсин, деб
Қайтариш йўқ шаштини.
... Билиб қолмаса бўлди,
Миниб юриш гаштини!

Ориф ТЎХТАШ

ДЎППИ ТОР КЕЛГАНДА

ҚИССАДАН ҲИССА

Эрини илонга чақтирган аёл ҳақида эшитганмисиз? Ўз вақтида бу воқеа анчагина шов-шувларга сабаб бўлганди. Орадан саккиз йил ўтиб, лойқаланган сувлар тингач, ўшанда босди-босди бўлиб кетган бу воқеанинг асли қандай бўлганини одамлар билиб олишди. Шу баҳона бир ҳийлакорнинг қилмишлари фош бўлди.

Ошналари Абдувоҳиднинг савдо ишлари юришиб турган кезлари унга "Омадулло" деб лақаб қўйишганди. Унинг тўртта қиз фарзанди бўлиб, ёши қирқдан салгина ўтиб қолганида, ўғил фарзанд кўришни жуда-жуда орзулаётганди. Афсуски, унинг хотини охирги фарзандини туққанида соғлигига путур етиб, бошқа ҳомиладор бўлмаётганди. Айни пайтда эрининг бошқа биронтасига илакишиб кетишидан ҳадиги ҳам йўқ эмасди. Кўнгилга келган нарса бўлмай қолмас экан. Омадулло қанчалик сир сақламасин, Матлуба исмли жувонни никоҳига олиб яшаётганлиги аён бўлди. Бу Омадуллонинг қонуний никоҳидаги хотинига жуда оғир руҳий зарба бўлди. Чунки, Матлуба деганлари унинг ҳаётда энг ёмон кўрган рақибининг синглиси эди. Тўрт фарзандли аёлнинг қон босими ортиб, иситмаси тез-тез кўтариладиган бўлиб қолди. Унинг ранг-рўйи заъфаронлашиб, руҳий азоби кундан-кунга ортиб бораверди. Албатта уйдан файз-барака ҳам кўтарила бошлади.

Матлуба деганлари куёвга чиқиб, қирқ беш кунгина турмуш қилган, унинг эри гиёҳвандфурушлар ишига аралашиб қолгани учун қамалиб кетганди. Бундай фожеа, қарангки, келинчакнинг опасига омад йўлини очиб қўйди. У қайғуга ботиб ўтирган синглисини йўқлаб келиб, шундай деди:

- Хафа бўлма. Куёвингга ўн беш йил беришса керак. Сени омади бор инсоннинг қўлига топшираман. Опам билан уйга бориб келай, деб қайнонангдан сўраб чиқ.

- Суд бир ёқлик бўлсин, опа, - эътироз билдирди Матлуба.

- Суд ҳали тугамайди. Вақтни бой бермаймиз. Менинг уйимга борасан. Бир умр тиллога кўмилиб яшайсан. Омадуллога жуда маъқул тушдинг. Темирни иссиғида босамиз.

Матлубанинг опаси шаҳарнинг анчагина ҳийлагар аёлларидан эди. У ўша куннинг ўзида синглисини Омадулло билан қовуштирди. Бу "дом" аслида Матлубанинг қонуний эри ҳибсда ушлаб турилган жойдан атиги икки юз табга қатнай бошлади.

Омадулло албатта ўзининг биринчи хотинидан ҳам мурувватини аямади. Лекин ғурбат деган нарса ёмон бўларкан. Бора-бора унинг тиззасида оғриқ пайдо бўлиб, оёғини боса олмайдиган бўлиб қолди. Аёл киши учун бу оғир мусибат эди. Қолаверса, қизларни турмушга узатиш ташвишлари ҳам йўқ эмасди.

Бу ёқда эса Матлуба бахтиёр эди. У яна биронта фарзанд кўришни хоҳларди. Худди ана шу кунлари унинг уйидаги телефон жиринглаб қолди. Матлуба яқиндагина гапдан қайтиб, тилла тақинчоқларини ечаётганди. У эринибгина гўшакни кўтарди:

- Алло!

Гўшакдан дағалроқ овоз эшитилди:

- Алло! Овозимни танидингми ёки танимайдиган бўлиб қолганмисан?

Матлубанинг мамнун чеҳраси бирдан тундланди. Бу собиқ эрининг овози эди. Бирдан унинг вужудига қалтироқ турди. У хаёлини жамлашга қурби етмай, жавоб қилди:

- Сизни танимайман, танишниям истамайман!

- Эшитдим, битта бўйни йўғонни топиб олибсан. Лекин сен билан ҳисоб-китоб қилишга вақт топаман. Ёки қамоқда чириб кетади, деб ўйлаганмидинг?

- Чиришингиз билан менинг нима ишим бор?

- Унда менинг ишим бор. Ўшанда сени бойитаман, деб таваккал қилгандим. Сени деб пешонамни тошга урганимни билмай қолдим. Худога шукр, темир панжарадан қутилдим. Эшитаяпсанми? Бугундан ҳисоб-китобни бошладим.

- Бу гапларнинг менга даҳли йўқ.

- Шунақаям даҳли борки, агар хоҳласам, ўзингни-ўзинг дорга осасан.

- Бекор айтибсан, - сенсирашга ўтди Матлуба. - Ҳеч нарсадан қўрқмайман. Сен билан қонуний ажрашганман. Рўзғорим бошқа.

- Бунақа ҳийланг ўтмайди. Мактабга бориб, ўғлимни кўриб келдим.

- Қанақа ўғлингни?!

- Сенинг бачадонингда қолдирган ўғлимни!

- Бу бемаъни гап!

- Хоҳласанг исботлайман. Унинг сиёғи менинг ўзим-ку! Қон ҳам меники. Сенинг бўйни йўғон эрингга заррача ўхшамайди. Бугундан бошлаб, сенинг найрангинг тугади. Менинг шунча азоб чекканим етар, энди сен азоб чекасан. Хоҳласам, сенга қўшиб, эрингни ҳам, ҳийлагар опангни ҳам ўша данғиллама уйингнинг харисига осаман...

Матлубанинг оёғи қалтираб, диванга ўтириб қолди. Ростдан ҳам Матлубанинг ўғилчаси ўша қамоқдан чиққан эрига жуда-жуда ўхшарди. Киприклари қалин, бурни эса салгина ялпоқроқ. Кейинги эри эса нишбурун эди. Бу гап савдогарлар орасига тарқалса борми, Омадулло бош кўтариб юролмай қолади. Савдогар халқи битта миш-миш бўлса, ўнтасини қўшиб-чатишади. Бу ёқда кундоши ҳам яйрайди.

Матлуба дарҳол опасига телефон қилди. Шунча ҳийла-найранг ичида юрган опаси ҳам бундай мушкулот олдида гарангсиб қолди. Бир кун келиб, найранги бунақа натижа беришини ким ўйлабди, дейсиз? Охири опаси қамоқдан чиққан собиқ куёвни йўқ қилиш керак, деган қарорга келди.

Аммо собиқ куёв анойилардан эмас экан. Бу ишга бел боғлаган шаввозлар уни на уйидан, на қариндошларникидан топиша олмади. Бир ҳафта ўтмай, у яна Матлубага телефон қилиб қолди.

- Нима қарорга келдинг? - дабдурустдан сўради у.

- Нима қилай?! - бақирди Матлуба.

- Менинг уйимга нима мақсадда одам жўнатган бўлсанг, ана шунақа қиласан. Бу менга иккинчи хиёнатинг бўлди. Сенлар ёллаган каллакесарларни жуда яхши танийман. Сенга уч кун муҳлат, эрингни йўқ қиласан. Шундай қилмасанг, ҳамма топганингни кул қиламан, ўзинг шарманда бўласан. О-кей?!

Ана шу куннинг эртасига: "Омадуллони ухлаб ётган жойида илон чақиб олибди!" деган хабар тарқалди. Унинг бутун бадани кўкариб, касалхонада ҳушсиз ётарди. Йигирма кун деганда ҳушига келди-ю, аммо тили қарахт бўлиб гапира олмай қолганди. Ҳарқалай, у касалхонадан чиқиб, биринчи хотинининг уйида яшай бошлади. Қарангки, ўша кунлари хотинининг боса олмай қолган икки оёғи тузалиб кетди. Чунки ундаги ғам-ғусса жиндай босилган эди.

Омадулло эса озиб, чўп бўла бошлади. Оғзида тили айланиб, гапира олмасди. Унинг дўсту душманлари бу воқеага нималарни қўшиб-чатишмади. "Шаҳарда илон нима қилади? Кимдир уни атайлаб илонга чақтириб олган", - дейишиб Матлубанинг опасидан шубҳа-гумон қила бошлашди. Шов-шув гапларга қараганда, ҳовлига чўлдан ўтин олиб келиб тўкилган экан. Ўша ўтинлар орасида заҳарли илон ҳам келиб қолибди. Кечаси Омадулло ухлаб ётган жойида уни илон чақиб, "дод!" деб ўрнидан туриб кетибди.

Шу бўйи Омадулло саккиз йилгача гапира олмади. Унинг савдо ишлари орқага кетиб, уйда ўтириб қолди. Одамлар орасида эса барибир уни хотини илонга чақтириб олган, деган шов-шув гаплар тўхтамади. Савдогар халқи ернинг тагида илон қимирласа билади. Орадан саккиз йил вақт ўтиб, бу сир фош бўлди. Сирни Матлубанинг ўзи фош қилиб қўйди.

Гап шундаки, ана шу воқеадан икки йил ўтиб, Матлубанинг ҳийлагар опаси тижорат ишлари билан чет мамлакатга кетганича, қайтиб келмади. Матлуба эса руҳий хаста бўлиб қолди. Ўша данғиллама ҳовлида илонлар билан гаплашиб, уларга топшириқ бериб яшай бошлади. У қўни-қўшниларга опасингил тил бириктирибди, Омадуллони илонга чақтириб олишганини бот-бот гапириб юрганмиш.

Матлубанинг қамоқдан чиққан эри эса бевафо хотиндан ўчини олиб бўлгач, бошқа аёлга уйланиб яшаётганмиш.

Комилжон НИШОНОВ

ТИЛЛО ҲАЛҚА

Турмуш сабоқлари

Кейинги пайтларда қизининг қулоғида зираги кўринмаётганини сезган Нафиса опа дастлаб: "Шунчаки олиб қўйгандир-да..." деган хаёлга борди. Бир куни қизи мактабга кетгач, хонасига кирди-да, зирагини қўйиши мумкин бўлган жойларга бир-бир қараб чиқди. Йўқ!

Она не хаёлларга бормади Комила дарсдан қайтгунича.

- Ойижон, сизга берган эдим шекилли, - онасининг сўроқлашига қизининг жавоби Нафиса опани янада довдиратиб қўйди.

- Йўғ-е, болам, - деди у сергакланиб, - бирор марта қўйган нарсамни жойидан тополмаган чоғим бўлмаган. Янаям...

Онасининг ана шу сўнгги иқиланганнамо айтган сўзи Комиланинг елкасидан юкни олиб ташлагандай бўлди.

- Бир куни кутилмаганда олдимиздан чиқиб қолар... Келинг, кечки овқатга уннай қолайлиг-а, ойижон, - бидиллай кетди у анча дадилланиб.

Нафиса опа ўша куни бошқа ҳеч нарса дея олмади.

Бир куни уни ота-оналар йиғилишига чақириб қолишди. Ҳар доимгидек борди. Шу тадбир "тилло ҳалқа"нинг сирли саргузаштларига ҳам ойдинлик киритгандек бўлди. Қизининг муаллимаси ўқувчиларининг ўзлаштириши, одоб-ахлоқи, синф муаммолари ҳақида анча гапирди. Йиғилганларнинг фикрини тинглаган бўлди. Лекин аҳён-аҳёнда ер остидан Нафиса опага қараб қўяр, ёки опага шундай туюлаётганмиди, ҳар нечук ўрталарида нимадир бор эди.

Йиғилиш тугаб, ота-оналар тарқалишаётган ҳам эди, эшикдан муаллиманинг иккинчи ёки учинчи синфда ўқийдиган қизчаси кириб келди.

- Вой, каттагина қиз бўлиб қолибсан-ку, - Нафиса опа йўлидан тўхтаб қизчани бағрига босди. - Кўрмаганимгаям анча бўлдия. Бир пайтлар Комила опангга эргашиб борардинг...

- Опа уни меҳр билан қучиб, сочларини силаб кўяркан, бирдан кўзи қулоғидаги зиракка тушди. Юраги "шув" этди-ю, беихтиёр ўгирилиб муаллиммага қаради. Ўқитувчи эса титроқ босганча, бир ҳолатда қараб турар, опанинг "ярқ" этиб ўгирилиши юзига тарсаки тортиб юборгандек бўлганди, гўё.

* * *

Комила аввали сир бой бермасликка кўп уринди. Кейин йиғидан олди. Охири онаизорининг ўтинчли нигоҳлари қаршисида таслим бўлди шекилли, бўлган воқеани борича айтиб берди:

Кунига музқаймоққўрлик қилаверіб, роса мазасини олган қизалоқлар кейинчалик музқаймоқ қаторига ширинликлару яхна ичимликларни ҳам қўшиб харид қиладиган бўлишди. Кунинг куни кўп деганларидек Комиланинг йиғланлари ҳам тугади. Тангалари солинган "мушукча"-ю "қуёнча"ларнинг ҳамма қулоғи кесилди. Маззахўрак бўлган дугоналар энди навбатига "саховат" кўрсатишга келишиб олишди. Яхшиям Комила рўйхатнинг охиррогига тушди. Йўқса ойиси ҳадеганда пул берадиганлардан эмас. У шундайин ўйлар билан куйиниб юрган кунларнинг бирида синф раҳбари иккинчи бора ҳаваслангандек: "Зирагинг жуда чиройлида, ойинг қаерлардан топадилар-а? Анчадан бери қидириб сенинкидақасини тополмаяпман," - деб қолди. Бу гап эса унинг жонига оро кирган бир қувват бўлди-ю, эртасига ҳалқасини қоғозга ўраб муаллимасига узатди:

- Шуни сотмоқчи эдим... Сотмоқчи эдик...

Муаллима ҳам анойи эмас. Албатта Комиланинг дудуқланиб гапиришлариданоқ вазиятни англади. Лекин нафс ўлгур зўрлик қилдими, ҳар нечук узоқ суриштириб ўтирмади. "Ойинг розими ишқилиб... Қанча берай?" деб номига сўраган бўлди-ю, ўқувчисининг "ўзингиз биласиз" дегани қўл келиб арзон гаровга ҳалқалик бўлиб қолди...

Воқеанинг бўлгани шу. Комила бир неча марта дугоналарини "сийлагач", зиракнинг пули сен кўр, мен кўр бўлиб кетган эди.

* * *

...Комиланинг синф раҳбари шу-шу бошқа ота-оналар йиғилиши чақирмади. Кейинги йили эса синфга бошқа ўқитувчи раҳбар этиб тайинланди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ПЕШОНАМДАГИ ЎЧМАС ТАМҒА

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ўша кундан бошлаб тинчим йўқолди. Кимга айтишни ҳам билмайман. Дардим ичимда. Ўз кўзинг билан кўриб, қўлинг билан ушламагандан кейин исбот йўқ. Лекин гумон иймондан айиради, дейишади.

Ўша кунларда тобим бўлмай юрганди. Оллоҳнинг инъоми ёки даволанишлар натижа бердими, билмадим, мен ҳомиладор бўлибман! Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Бу хабарни биринчи бўлиб эримга айтдим. У ҳам севинди. Лекин юракдан эмасди. Кейинчалик бундан бошқалар ҳам хабар топишди. Мен баҳона топиб эримни зиёфатларга, "гап"ларга юбормасдим. Эримнинг бундан роса аччиғи чиқарди-ю, лекин ҳомиладор бўлганим учун менга индамасди.

Ҳомиладорлик даврим жуда оғир ўтди. Қайнонам мени аяб, оғир ишлар қилдирмас, Ноила келиб менга ёрдамлашарди. Мен уларни ўз жигарларимдек жуда яхши кўрардим. Меҳр берган меҳр кўрар экан-да.

Ой-куним яқинлашган сари юрагимга қўрқув туша бошлади. Негаки, ёшим анча катта бўлиб қолганди. Ота-онам ҳам, қайнонам ҳам хавотирда эдилар. Шунинг учун қайнонам эримни вақтинча тижоратга юбормай қўйди.

Бир куни эримни телефонда сўрашди, у уйда йўқ эди. Саломаликдан сўнг якшанба куни зиёфатга йиғилишмоқчи эканлигини айтиб қўйишимни тайинлашди. Мен ҳеч нима билмагандек зиёфат қаерда, кимнинг уйида бўлишини сўрадим. Дўсти сир бой бермадию, лекин қандайдир клубнинг номини айтиб, гапни қисқа қилиб қўя қолди. Энди нима қиламан, менинг тахминим тўғри чиқди. Уни бу йўлдан қандай қайтараман? Эримга нима етишмайди? Тинч-тотув яшаётган бўлсак... Кўнглига қарайман, хоҳиш-истагини бажо келтираман... Эй, ношукр банда-я!

Кечқурун эрим ичиб келди. Ҳамма ётиб ухлагач, мен билан жанжаллашди. Телефонда гаплашган дўсти мен ҳақимда нималар дегани номаълум. Мен ўша куни эримни умуман таниёлмай қолдим. Унинг гапларига ёқа ушладим. Гўёки кимдир унга бу гапларни ўргатиб қўйгандек. "Мен эркакман! Сен менинг ишларимга аралашма! Қаерда, ким билан бўламан, бу менинг ишим! Сен менга нега турмушга чиқдинг, ўзи? Болаларимга оналик қилиш учун! Марҳамат, вазифангни бажаравер!"

Бу гапларни эшитиб, дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. У менга хизматкор билан гаплашгандек муомала қилди. Охирги гапи ич-этимдан ўтиб кетди. "Сен ўзингга керагини олдинг, яъни сенга бола керак эди, холос! Билдингми?!" - деди-ю, ҳовлига чиқиб кетди. Мен унга бир сўз ҳам айта олмадим. Чунки шу пайтгача мен эримга гап қайтармаганман. Бутун аламимни йиғидан олдим.

Турмушнинг биринчиси савдо, иккинчиси ғавғо, дегани шу экан-да. Наҳотки биринчи турмушимдаги камситишлар, хўрланишлар яна такрорланаётган бўлса?.. Наҳотки севиб-севилиш менинг қисматимга ёзилмаган бўлса?! Ўша кундан бошлаб, эримдан ҳам, оиламдан ҳам кўнглим совиб кетди. Уларга ортиқча эътибор бермай қўйдим. Ой-куним яқинлашиб, болани операция йўли билан туғдириб олишди. Мен ўғил кўрдим. Ўзимнинг ҳам, боламнинг ҳам аҳволи ёмон эди. Туғруқхонада анча қолиб кетдим. Бу орада мендан ҳамма хабар олиб турди. Лекин эрим бирон марта ҳам келмади. Мен ҳам уни сўрамадим. Туғруқхонадан тўғри ўз ота-онамнинг уйига кетмоқчи бўлдим. Уларнинг оиласидан кўнглим қолиб кетди. Ҳаммалари кўзимга ёмон кўриниб кетаверишди. Менинг уйга кетмоқчи бўлганимни эшитган қайнонам касалхонадан чиқадиган кунимиз эрим билан бирга келишди. Турмушим илгаригидек давом эта бошлади. Аммо мен эримнинг клубларга бориб юришига кўника олмадим. Орамиздаги муносабатлар кундан-кунга ёмонлашиб бораверди. Уриш-жанжаллар бўла бошлади. Тижорат иши ҳам юришмай қолди. Жанжал бор уйда барака ҳам бўлмас экан-да. Ўғлим нимжонроқ эди. Тез-тез касал бўлиб турарди. Эрим яна ўша гапга борадиган бўлиб қолди. Бир кун олдин харажатларини қилиб қўйди. Ўша куни боламга дори керак бўлиб қолди. Эримдан пул сўрадим, у бермади. Алам қилиб кетди. "Фарзанди учун пул йўқ эмиш! Зиёфатга пул топади!" - дея мен жанжал кўтардим. Ҳамма гапни қайнонамга айтиб бердим. У гапларимга ишонмади. "Гапга борсанг-боримасанг, Шунга шунча жанжалми?" - деб қўя қолди. Мен эса ўзимни тутиб туролмадим. Роса йиғладим. Эримга: "Пул топиб беринг боламга дори керак", - дедим ва жаҳл устида анча аччиқ гаплар гапириб юбордим. У бўлса... У бўлса менга қараб: "Пул керак бўлса бор, сен ҳам мазза қиласан ва пул топиб келасан", - деди ва устимдан кулиб чиқиб кетди.

Эрим шундай тубанликка боради, деб ўйламагандим. Наҳотки ўз аёлини ўша ерга лозим кўрса?.. "Яхши рўзғор жаннат, ёмон рўзғор дўзах", дер эдилар бувим. Мен ҳам дўзахда яшагандек яшаяпман. Эримдан умуман кўнглим қолиб кетди ва ётадиган ўрнимни ҳам бўлак қилиб олдим. Бундан қайнонам хабар топди. Эрим билан муносабатларимиз ёмонлашгани учунми, қайнонам ва болаларнинг ҳам муомаласи ўзгарди.

Бир куни эримнинг катта ўғли мен билан гап талашиб қолди. Унинг ҳам характери худди отасига ўхшайди. Отасини ёмон кўрганим учун боласи ҳам кўзимга балодек кўринарди. Мен билан ўчакишиб, ювилган тоза кийимларга тупроқ сочиб, менинг ўғлимни йиғлатиб қочди. "Болага тегма, йиғлатма", деб гапирсам, юзимга қараб мазах қилиб кулади. Қайнонамга айтсам, у: "Шу ёш бола билан тенг бўлманг", деб ўрнидан туриб кетди. Мен бу оилада ҳеч ким эмасдим. Лоақал кўнглим учун болаларга танбеҳ берса бўларди-ку. Ўша куни пешинда овқатланиб бўлган боламни ухлатмоқчи бўлдим ва қайнонамнинг олдида катта ўғлимга шовқин қилмаслигини тайинлаб, болани олиб уйга кириб кетдим. Энди боламни ухлатган эдим, дераза олдига келиб, эски челакни уриб, бақириб, ашула айтаяпти. Ҳеч чидаб туролмадим. Ҳовлига отилиб чиқдим. У мени кўрди-ю, дарвоза томон қочди. Кўзимга қон тўлиб кетди. "Отангнинг куйдиргани каммиди, менга ифлос!" - деб зинанинг олдида турган тешани олиб отдим. Ўғлим кўчага қочиб чиқиб кетди. Лекин дарвоза олдида ўйнаб ўтирган қизим Нилуфарга теша бориб тегди. У бирдан додлаб юборди. Нима қилишни билмай, довдираб қолдим. Югуриб бордим-да, дарров кўтариб олдим. Теша оёгига қаттиқ теккан экан, қон оқа бошлади. Нима қилишни билмай, дарров дока топиб келиб, боғламоқчи эдим, қайнонам чиқиб бузилиб, ранги оқарди ва: "Болага теша отадими?" - деди овозини баландроқ қилиб. Қайнонам унга: "Жим", дегандек туртиб қўйди. Менинг эса кўзимдан ёш тинмасди. Фақат: "Мени кечиринглар", дея олдим, холос. Қайнонам паст овозда нималардир деяпти-ю, лекин тушунмадим. Шу пайт ўзимнинг ўғлим ҳам йиғлаб қолди. Аста чиқиб кетаётганимда қайнонамнинг бир сўзини эшитиб қолдим: "Онанг ўгай бўлса, отанг сеники эмас". Бу гапни эшитиб, жонсиз танадек қотиб қолдим.

Кечга томон Нилуфар ўрнидан туриб юрди. Анча кўнглим хотиржам бўлди. У эртаси куни боғчага кетди. Эрим билмади. Энди бу ёғи унга айтиб қўйишмаса бўлгани, дея хавотирда эдим. Ўша кундан бошлаб мен билан ҳеч ким гаплашмай қўйди. Мен қилган ишимдан қаттиқ пушаймон бўлиб, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилардим. Лекин...

Орадан бир ойча вақт ўтди. Нилуфар кечалари, "оёғим" деб йиғлаб чиқарди. Бир куни эрталаб туриб юра олмади. Оёғини ерга боса олмади. Уни тезда шифохонага олиб бормоқчи бўлиб, кийинтирдим. Лекин қайнонам олиб боришимга рухсат бермади ва Ноилани чақирди. У келгач, икковлари Нилуфарни олиб, шифохонага кетишди. Мен ўша ерда тамом бўлдим. Ахир мен эмасми, ўша қизчага, яъни Нилуфарга она бўламан, деб келган? Мен энди нима деган одам бўлдим? Бу гаплардан эрим хабар топса, нима бўлади? У мени ўлдиради.

Ўша куни қизчани касалхонада олиб қолишибди. Теша қизчанинг оёқ суягига теккан экан. Газак олиб, йиринглай бошлабди. Энди операция қилиш керак экан. Бу гапларни қайнонамдан эшитиб, ўзимдан-ўзим нафратланиб кетдим.

"Қандай тошбағир аёлман-а! Нилуфарнинг келажаги нима бўлади? Мен уни ногирон қилиб қўйдимми?"

Шуларни ўйлаб, қўрқдимми, билмадим, боламни олиб, уйдан кетиб қолдим. Онамнинг уйида яшай олмасдим. Ҳозир узоқ қариндошимизникида турибман, тўғирроғи, бекиниб ўтирибман. Чунки эримдан қўрқаман, у мени ўлдиради.

Икки маротаба уйга излаб келган экан. Туну кун хаёлим Нилуфарда. Унинг аҳволи қандай экан? Ўзимни кечира олмаяпман. Ахир шу қизчага меҳрим тушиб, уни яхши кўриб қолиб, отасига турмушга чиққан эдим-ку!.. "Етимнинг бошини силасанг, савоб бўлади", деган эди отам. Менинг қилган ҳамма савоб ишларим ювилиб кетди. Тушларимда болаларнинг туққан оналарини кўраяпман. Унинг ҳам руҳи безовта.

Қандай йўл тутишни билмай қолдим. Эгилган бошни қилич кесмас. Бир кўнглим уйга қайтиб борсаммикан, ҳаммасига чидардим, деб ўйлайман-у, бироқ менга қасд қилиб, ўч олиш учун ўғлимга бирон зарар етказишмасмикан? Боламни ўйлаб, уларнинг уйида бир умр қўрқувда яшайманми?

Ҳозирданоқ кейинги ҳаётимни ўйласам, даҳшатга тушаяпман. Энди пешонамга "ўгай она", деган тамға босиладими? Мен буни асло истамайман. Ҳали қирқ ёшга ҳам тўлганим йўқ. Бу тамға билан қандай яшайман.

Мен бир ношуд аёлман. Шунинг учун ўз исмимни айтишни лозим топмадим. Ор қиламан. Дунёда яхши инсонлар кўп. Уларнинг маслаҳатларига мухтожман. Ҳаётим изга тушиб кетишига ёрдам беринг. Қандай йўл тутсам, тўғри бўлади?

Назира.
Шоира ҲАСАНОВА
оққа кўчирди.

Газетамизнинг ўтган 22-23 сонларида профессор Эргаш Салимов билан суҳбат ва аллергия касаллиги ҳақида мақолалар чоп этилганди. Қуйидаги мақола эса бу шифокорнинг бир кунлик иш жараёни ҳақида.

СОҒЛИҒИНГИЗ БОЙЛИГИНГИЗ

АЛЛЕРГИЯ – ОЛДИЙ КАСАЛЛИК ЭМАС

Профессорнинг қабулхонасида одам гавжум. Кимдир фарзандини етаклаб келган, кимдир ўзи даволаниш истагида.

У биринчи бўлиб четроқда, ўғлининг қўлидан ушлаб қимтинибгина турган аёлни чақирди.

- Келинг-чи! Қулоғим сизда она қизим? Нима бўлди?

- Биз Марғилондан келдик. Икки йилдан буён ўғлимнинг бадани қичишади. Авваліга парво қилмагандик. Кейин ташвишга тушиб қолдик. Бормаган жойимиз қолмади. Даволанганимиздан кейин узоғи билан уч ойгача қичишмайди-да, кейин яна бошланади. У қичийверіб бутун баданини яра қилиб юбораяпти. Бизга ёрдам беринг, болам касалванд бўлиб қолмасин...

Аёлнинг сўзларини диққат билан эшитган профессор сўради:

- Хўш, илгари қандай дорилар билан даволангансизлар?

- Қайдам, эсимда йўқ.

- Бўлмаса, энг аввало анализ топширасизлар. Бу касалликни тузатиш учун иккиуч йилгача айтилган пайтда келиб даволанасизлар. Шундан кейингина бутунлай ўтиб кетиши мумкин...

* * *

Хонага бир онахонни ёшроқ аёл етаклаб кирди. Аёл ҳужжатларни профессорга узатиб гап бошлади:

- Момом билан Ургенчдан келганмиз. Тавсиянгиз билан даволанаётгандик. Анализларни олиб келинг, деган эдингиз...

- Анализларингиз тананинг касалликка қаршилик кўрсатиш фаолияти пасайиб кетганлигини тасдиқлаяпти,-деди профессор. Текширишлар эса сийдик орқали тана учун энг зарур бўлган оқсил ва никотин моддалари чиқиб кетаётганлигини кўрсатаяпти. Демак, момога таркибида темир моддаси бор бўлган, ҳамда, буйрак фаолиятини яхшиловчи дориларни тавсия этамиз. Муолажа тугашига бир кун қолганда яна олдимга келасизлар.

* * *

...Хонага ранглари сўлғингина бир болани етаклаган эркак билан аёл кириб келишди. Бола қийналиб нафас олар, кўкрак мушаклари ва қовурға суяклари ҳам бирга кўтарилиб тушарди. Унинг хириллаши баралла эшитиларди. Бола илгари ҳам клиникага келиб, муолажа олгандан сўнг аҳволи анча яхшиланган. Йўтал ва хириллаши йўқолган. Икки ой ўтиб навбатдаги муолажага келиши керак эди. Лекин ота-она иккинчи курс муолажага олиб келишмаган. Оқибатда касаллик янада зўрайиб, хуружли нафас қисиш ҳолати бошланган экан.

Профессор болани еченитириб, текширарркан кайфияти ўзгарди. Ота-онасидан:

- Фарзандларингиз нечта? - дея сўради.

- Бу бизнинг Оллоҳдан тилаб-тилаб олган ёлғизгина боламиз...

- Шундай экан, боланинг соғлиғига нега бунча лоқайдсизлар? Мана буни кўраяпсизларми? Кўкраги олдинга қараб туртиб чиқа бошлабди. Тиббиётда буни товуқ кўкрак (курынный грудь) дейилади. Вақтида муолажа қилинмагандан кейин орқа кўкрак ҳам туртиб (грудь сапожника) чиқа бошлайди. Ўпка шамоллаганда даволанмаганлиги сабабли, зиқнафасга айланиб, боланинг нафаси бўғила бошлаган. Наҳотки шу ўзгаришни ҳам сезмаган бўлсанглар?

Эртага барча анализларни топширинг. Аммо, буюрилган ҳар бир муолажани аниқ бажариш лозим бўлади. Акс ҳолда ёлғиз фарзандингизнинг ногирон бўлиб қолиши аниқ.

* * *

Эргаш Салимовнинг бирпас бошини чангаллаб ўтирди. Навбатдаги эркак хонага мўралагандагина бошини кўтариб унга савол назари билан тикилди. Кейин:

- Кўринишингиз бинойидеккина, касалга сираям ўхшамаяпсиз-ку! - деди.

- Тўғри, профессор! Касал мен эмас хотиним. Асли Бўкада яшаймиз. Хотиним бечора йигирма йилдан буён касал, жуда қийналиб кетди. Илгари ҳар ярим йилда касали қўзғалса, ҳозир ҳар куни азобга қолди. Аллергия марказларида ҳам даволатдим. Барибир аҳвол шу. Сал яхши бўлгандек туюлади-да, уйга олиб келганимдан кейин яна касали қайталанаверади.

Эртагаёқ хотинингизни олиб келинг. Мен унинг нимадан таъсирланаётганлигини аниқлагач, зарур муолажани ёзиб бераман. Фақат шу ерга қатнаб менинг назоратимда даволаниши лозим. Тушунарлими?

* * *

- Сизга раҳмат айтгани келдим, дўхтир, - деди ўрта ёшли бир аёл. Қизим икки курс муолажадан кейин анча тузалиб, йўталмай қўйди. Энди яна қачон келишимизни айтсангиз.

- Сизлар энди 1-декабр куни келиб навбатдаги муолажани бошлайсизлар. Бўлди, қизим энди тузалди, деб ўйламанг. Аллергия шундай дардки, тузалгандай кўринади-ю, аммо, тўсатдан яна қўзғалиши мумкин. Қунт ва сабр-тоқатни талаб қилади бу касаллик...

* * *

- Қизимнинг анализлари чиқибди, шуни бир кўриб қўйсангиз, профессор,-дея тўрт ёшли қизалоқни етаклаб олган ёшгина жувон кириб келди хонага.

Профессор аёл узатган қоғозларни диққат билан ўқиди.

- Хўш, юрагини ҳам кардиограмма қилдириб келдингизми? Ўтган гал келганида хасталик борлигини сезгандим, - деди.

Аёл сумкасидан қоғоз олиб узатди.

- Демак, шубҳаларим тўғри экан. Энди гапимга қулоқ солинг. Қизингиз ўсишдан анча орқада қолган. Анемияси бор. Анемия ҳисобига жигари пастга тушган. Сийдигидан замбуруғ чиқибди. Мана бу дори-дармонларни олиб, шу ерга келасизлар. Яна бир марта анализ топширганингиздан кейин эса мен нина санчиш билан муолажани бошлайман.

* * *

Ўн саккиз ёшлардаги бир қиз кириб келди.

- Кел, она қизим, аҳволинг қандай? Муолажаларни охиригача олдингми?

- Бешинчи курс муолажам тугади. Энди қачон келишим кераклигини билиб кетмоқчи эдим,-деди қиз. Қоғозларни профессор столга қўяр экан:

- Бу қиз икки-уч йилдан буён даволанаяпти. Нимадан аллергия бўлаётганини синов текширишдан ўтказганимизда ёнғоқ, жўхори, лимон, товуқ гўшти, ит жуни, дарахт чанги, тухумдан бўлаётганини аниқлагандик. Ҳозир даволашдан сўнг фақат ит жуни билан дарахт чангига бўлаётганлигини аниқладик. Яна бир-икки муолажадан сўнг буни ҳам йўқотамиз,-деди менга юзланиб, профессор.

Кейин қизнинг елкасига қоқиб қўйди-да:

- Баракалла, она қизим! Даволашга жуда масъулият билан қарадинг. 1-декабрда келасан ва биз муолажангни охирига етказамиз, - деб у билан хайрлашди.

* * *

Навбатдаги бемор эса ўрта ёшли бир аёл эди.

- Кўзим қизариб, қичийверарди, - дея гап бошлади у.

- Мен кўзим оғриётган бўлса керак, деб кўз шифокорига бордим. У бир нечта малҳам ва томчи дорилар ёзиб берди. Булар эса умуман фойда бермасдан аҳволим баттар оғирлашгач, дардимга даво излаб келдим, - деди у қизариб кетган кўзларини ишқаларкан.

Профессор ўрнидан туриб аёлнинг кўзларини ёруғликка солиб текширди.

- Сизда кўзнинг аллергик коньюктивит ҳолати пайдо бўлган. Даволашдан олдин бунинг нимадан таъсирланганини аниқлаймиз. Эртага эрталаб келиб анализларни топширасиз.

* * *

- Тўрт йилдирки нафасим сиқади, - дея сўз бошлади эркак. - Аъзои баданим қичишиб, тошмалар тошиб кетади. Бормаган жойим қолмади ҳисоб. Тошкентдаги Аллергик марказда, Астма марказида ҳам даволаниб кўрдим. Томчи дори қуйишганидан кейин қон босимим ошиб кета бошлади. Овқат есам ошқозоним дам бўлиб, баъзан ичим кета бошларди. Шунинг учун менга ичакларда аллергик яллиғланишлар бор, деб ташхис ҳам қўйишган. Гипноз ҳам қилдирдим. Фойдаси бўлмади.

- Эрталаб қон, сийдик ва бошқа анализларингизни топшириб, жавоби билан олдимга келасиз. Сизда аллергик қичимали дерматит хасталиги борлиги аниқ кўриниб турибди.

* * *

- Лабим бир-бир шишиб чиқиб, яна тузалгандай бўлиб қайтиб кетарди. Кейин эса қўлларим, тўғрироғи бармоқларим худди ари чаққандек шишиб қичишарди. Лекин, кейинги пайтларда лабларим кечаси ҳам шишиб, эрталабгача дўрдайиб қолаяпти. Шуни бир кўрсатай деб...- деди барваста йигит.

Профессор фонендоскоп билан олдин йигитнинг ўпкасини, кейин эса, юрагини эшитди.

- Ўпка тоза, хириллаш йўқ. Нима иш билан шуғулланасиз, йигит?-сўради профессор.

- Тадбиркорлик қиламан, ширинлик ишлаб чиқарамиз, - деди йигит ҳайрон бўлиб.

- Демак, машина бор, пиёда юрмайсиз... - Юрагингизни текширдим, аранг-аранг ураяпти. Атрофидаги мушакларни ёғ босиб кетибди.

- Нима қилай, дўхтир? Нима қилсам юрагим... - саросимага тушиб ўрнидан туриб кетди йигит.

- Ҳовлиқмасдан жойингизга ўтиринг! Аввало, машинадан воз кечасиз. Кўпроқ ҳаракат қилинг, югуринг. Ҳар куни бир соат жисмоний машқлар билан шуғулланиш керак. Асосий касалингизга келсак! Лабдаги шишлар, бармоқларнинг қичиши сизда "Квинки шиши" аллергик ҳолати бошланганидан дарак бераяпти. Муолажага жиддий ёндошмасангиз халқум ҳам шишиб, оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин.

* * *

Малакали аллерголог, профессор Эргаш Салимовнинг ҳар бир иш куни, беморларни қабул қилиш жараёни ана шундай ўтади. Бу жараённи кузатиб, айнан ўзидек ёзиб, эътиборингизга ҳавола қилдик. Қиссадан ҳисса чиқариш эса, ана шу касалликдан азият чекаётганлар ҳукмига ҳавола...

Ниятимиз - ҳар бир юртдошимиз соғлом бўлсин!

Басира САЙДАЛИЕВА

Ҳар қандай ёшда ҳам тасодифан йиқилиб аъзоларимиздан бирортасини синдириб олишимиз ҳеч гап эмас. Баъзан синган суякларнинг битиши узоққа чўзилгани боис беморлар ойлаб гипсда юрадилар. Айниқса ёши ўтган кишилар бу ҳолларда жуда қийналишади. Шундай экан, "Суяклар битишиниқ тезлаштирадиган бирор воситалар бормикан?"-деган савол туғилади. Тўғри, бундай пайтда нафақат жароҳатнинг устки, балки, ички қисмини ҳам даволаш керак бўлади. Суякларнинг атрофини ўраб турган тўқималар тезроқ ўсиб, бирикиб кетиши учун ҳам махсус меъёрлар асосида овқатланиш, табиий воситалардан ҳам истеъмол қилиш керак бўлади.

СУЯКЛАР ЎСИШИ УЧУН...

ИЧДАН ДАВОЛАШ

Синган суяклар ўсиб, тўқималарнинг бирикиб кетиши учун тана мунтазам равишда зарур моддалар билан таъминланиши шарт.

Шунингдек, бошқа жароҳатларда бўлганидек, шамоллашга ва шишга қарши ҳамда тозаловчи воситалар билан даволашга ҳам эътибор бериш тез тузатишга ёрдам беради. Бу воситалар тухум пўсти, кесак ва табиий ўтлардир. Хўш, бу воситалардан қандай фойдаланиш керак? Қуйидаги муолажалар шу хусусда:

● Суяк синганда кесак (глина) билан даволаш катта ёрдам беради. Унинг кукундек майдасини сувга аралаштириб ичса ҳам бўлади. Бунда 1 ош қошиқ кесак бир стакан совуқ сувга аралаштириб ичилади. Кесакни кунига уч маҳал оч қоринга, яъни, овқатдан 20-40 дақиқа олдин ичиш керак. Бу эса шамоллашни даволаб, тўқималарни кремний ва бошқа фойдали моддалар билан таъминлайди.

● Кремний моддаси дала қирқбўғими таркибида кўп бўлиб, у синган аъзодаги шишларни қайтаради. Ундан қуйидагича дамлама тайёрланади. 1 ош қошиқ қирқбўғим ўти устига бир стакан қайноқ сув қуйилади. 20 дақиқа турганидан кейин бир стакан дамлама учга бўлиб ичилади.

● Шишни қайтариб, шамоллаш ва оғриқни қолдириш учун далачой (Зверобой), мойчечак (Ромашка), ва мелисса (Валериана) ўтлари фойдалидир. Бу ўтлар тенг миқдорда аралаштирилади ва 1 ош қошиғи устига бир стакан қайноқ сув қуйилади. Усти ёпиқ идишда 20 дақиқа турганидан кейин 1/3 стакандан кунига уч маҳалдан ичилади.

● Ҳар куни тухумнинг туйилган пўсти кукуни пичоқ учида истеъмол қилинади. Тухум уй товуғиники бўлгани маъқул. Истеъмол қилишдан олдин оқ пардасидан ажратилган пўсти ундек қилиб туйилиши керак.

● Яна бир шифобахш восита эса қуйидагича тайёрланади.5 дона тухум, 2 ош қошиқ коньяк ёки кагор виноси билан аралаштирилади. Тухум пўсти эса қуритилиб, ундек қилиб туйилгач, 5 дона лимоннинг шарбати билан аралаштирилади. Тухум пўсти шарбатда эригач, ҳар иккала аралашма бир-бирига қўшилади ва бир кун қоронғи жойда сақланади. 30 млгр. дан кунига бир маҳал ичилади. Ичишдан олдин яхшилаб чайқаб, аралаштириб юбориш керак. Бутунлай тузалиб кетиш учун муолажа 2-3 марта такрорланади.

СУРИЛАДИГАН ВОСИТАЛАР

● Синган жойга қўйилган шинани эҳтиётлаб олиб, ўша жойга оққарағай ёғи (пихтовое масло) сурилса у тез тузатади. Шунингдек, бу ёғ билан синган аъзо кунига 1 марта уқаланса ҳам синиқни битириш жараёнини тезлаштиради.

· Синган жойга кесакни майдалаб, кулча шаклига келтириб ёпиштириб қўйишнинг ҳам фойдаси катта.Бу шифобахш лой кулчани нафақат синган жойга балки, унинг атрофидаги шишиб оғриётган жойга ҳам қўйиш мумкин. Лой кулча қўйилган жой қизий бошлагандан сўнг (1,5-2 соатдан кейин) олиш керак. Шуни ёдда сақлаш керакки, битта лой кулчани иккинчи бор ишлатиб бўлмайди. Бу муолажани ҳар куни 1-3 марта то суякларнинг синиғи битиб кетгунча такрорлаш мумкин.

● Жароҳатдан гипс ечилгач қуйидаги воситани қўллаш мумкин: 50 грамм хушбўй смола(ладан)га қора унга тенг миқдорда тухум оқи қўшилади. Ҳосил бўлган ёпишқоқ бўтқа жароҳатланган жойга босилади. Муолажа кун ора қилинади.

● Суяклар синиб гипслангач жароҳат жойига гипс устидан оҳанрабо бўлаги (магнит) боғланса тез битишига ёрдам беради.

● Ўсиб бирлашиб кетган суяклардаги қадоғини йўқотиш учун ош ёки денгиз тузидан ванна қилиш ҳам фойдали. Бунинг учун 1 литр сувга 1 ош қошиқ туз солингач, жароҳатланган жой 20 дақиқа ваннага солиб ўтирилади.

УҚАЛАШ ЁРДАМ БЕРАДИ

● Уқалаш синган жойдаги тўқималарни қон билан таъминлаб, модда алмашинувини яхшилайди, битишини тезлаштиради. Айниқса, гипсни ечгандан кейинги уқалашнинг фойдаси катта. Жароҳатдан гипс ечилмаган пайтда ҳам уни уқалаш мумкин. Бунда гипснинг ости ва уст томони уқаланса, тузалиш жараёнини тезлаштиради. Уқалашни жароҳат олингандан 15-20 кун ўтгандан сўнг бошлаш мумкин.

● Бу муолажани аввал силаштан бошлаш керак. Кейин гипс устидан бармоқлар билан 5-7 дақиқа аста-секин урилади.

● Гипс ечилгандан сўнг жароҳатланган жойнинг ҳаммасини уқалаш тавсия этилади. Аввал синган жойнинг юқори қисми уқаланиб, кейин жароҳатланган жойга ўтилади: Оғриқ бор жой ҳам аввал урилиб, кейин уқаланади. Бу уқалаш 2-3 дақиқа давом эттирилади.

● Мана бундай машқлар билан уқалаш эса оёқ ва қўллардаги гипсни олгандан сўнг бажарилади.

ПАРҲЕЗ ЖУДА МУҲИМ

● Танадаги аъзолардан бирортаси синган пайтда кальцийли парҳез тавсия этилади. Бошқа маҳсулотларни аралаштирмасдан кўпроқ сут-қатиқ маҳсулотлари истеъмол қилиш керак. Аксҳолда фойдали моддаларнинг танага сўрилиш жараёни қийинлашади. Сут-қатиқ маҳсулотларини фақат мева, сабзавотлар ва кўкатлар билангина аралаштириш мумкин. Кальцийли маҳсулотлар С дармондориси билан истеъмол қилинсагина танага яхши сўрилади. Шунинг учун кефир, йогурт, творог каби-ларни апельсин, лимон ёки ҳар қандай нордон мевалар билан енг.

● Шунингдек, бу пайтда кўпроқ таркибида кальций сероф бўлган сабзавотлардан истеъмол қилиш керак. Ҳар куни еркалампир (хрен) ейишга харакат қилинг. Чунки унинг таркибида кальций жуда кўп. Қичитқи ўт (крапива)ни ҳар қандай кўринишида еб, баҳорда кўпроқ шўрва тайёрлаб ичиш керак.

● Таркибида фосфор кўп бўлган балиқ ва балиқ маҳсулотларидан ҳам мунтазам ейиш тавсия этилади. Ёнғоқ ва дуккакли маҳсулотлар, гречиха, қизил гуруч ва буғдойдан бўтқа тайёрлаб, таркибида Д дармондориси бўлган сариёғ қўшиб ейилади. Танага бу дармондори кўпроқ тушиши учун қуёшли жойларда сайр қилиш ҳам тавсия этилади.

● Синган суяк ва тўқималарнинг битиши ва тезда ўсиб жойига келиши учун ҳайвонларнинг суяк бирлаштирувчи тўқималаридаги (хрящевой ткани) моддалар зарур. Бирор аъзо сингандан кейин танани шу моддалар билан таъминлаш керак бўлади. Бунинг учун дирилдоқ таом (холодец) ва балиқ еб туриш жуда фойдали. Бунда балиқ ёки мол гўштини суягидан ажралиб чиққунига қадар қайнатилади. Тайёр бўлган шўрва эса иссиқ ҳолда ичилади.

● Кавказча шўрва (хаш) эса толиққан танага беқиёс куч-қувват бағишлаб, беморларни тезда оёққа турғизиб юборади. Муҳими синган суякни тез битиради. Бу шифобахш шўрва мол ошқозони (рубец), қатқорин (сычуг), буйрак ёғи (почечное жир), сариёғ ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланади.

Яна бир фойдали шўрвани мол суяги, туз, саримсоқпиёз ва кўкатлардан тайёрлаш мумкин.

Бунинг учун 3 литр сувга 1 кило мол суяги солинади ва ўрта оловда 3-4 соат қайнатилади. Бу таомнинг шифобахшлиги шундаки, шўрвага ажралиб чиққан жуда кўп фойдали моддалар синган суякларнинг тез битишига ёрдам беради. Ушбу шўрвани эрталаб нонуштагача ёки нонушта ўрнига иссиқлигича ичилади.

МЎМИЁ МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТАДИ!..

● Маълумки, мўмиё истеъмол қилинса, ҳар қандай синган суякларнинг 16-20 кунда битиб, ўсиб кетишига ёрдам беради. У қондаги кальций, фосфор ва калийнинг меъёрлашувини таъминлайди. Суяк синиб, очиқ жароҳат олинганда эса жароҳатни тозалаб, тез битиради. Аъзолар сингандa мўмиёни 0,2 граммдан ҳар куни овқатланишдан 1-2 соат олдин сув билан ичинг. 10 кун мўмиё ичилгандан сўнг, 5-10 кун танаффус қилинади. Узоқ вақтгача битмаган жароҳатларда эса бу муолажа 3 мартадан то 6 мартагача такрорланади.

● Баъзи табиблар мўмиёни бирорта ўсимлик ёғи ва 3-4 дона тухум сариғи билан аралаштириб ейишни тавсия этадилар. Бу аралашмага ҳам мўмиё 0,2 граммдан қўшилади ва 10 кун истеъмол қилинади. Сўнг 10 кун танага дам берилади. Синиш ўртача оғирликда бўлса, бу муолажани 2 марта такрорлаш кифоя қилади.

● Суякнинг ҳар қандай сиғиғи даволаш учун эса қуйидагича аралашма тайёрланади.

Қоқигул (цвети одуванчика), настарин (сирен), гулларидан ва қариқиз илдизидан (корень лопуха) тенг миқдорда олиниб, бир литрли банкага солинади. Устига ароқ қуйилгач, 1 грамм мўмиё қўшилади. Бу аралашмадан сингангa анча бўлган суякларни даволаш учун компресс қилинади.

ТЕРИГА ҚАРАБ ТАШҲИС ҚЎЙИШ...

Терининг кўринишига қараб ички аъзолар ва безларнинг фаолиятидаги бузилишлар ҳақида аниқ маълумот олиш мумкин экан.

✱ Ранггар, оппоқ юз тери-си қон босимининг пастлиги, камқонлик, қон айланишининг бузилиши ва буйрак хасталикларидан далолат беради. Юзнинг ҳаддан ташқари ранггарлиги эса ўпка касали ва овқат ҳазм қилиш тизими фаолияти яхши ишламаслигини билдиради.

✱ Терининг сарғиш ранги жигар ва ўт пуфаги фаолияти бузилганлиги, қизил ранг қон босимининг ошиқлиги, юракнинг тез уришини билдиради. Қон қуйилиши натижасида юз вақти-вақти билан қизариб кетса бепарво бўлманг. Бу ҳолат климаксдан, шунингдек, буйрак ости безларида ёки ингичка ичакда саратон шишлари (рак) пайдо бўлганидан дарак беради.

✱ Ҳаддан ташқари майин тери-бод, подагра, буйрак ва сийдик пуфаги касалликлари аломатидир. Қуруқшаган ва иссиқ тери-тери касалликларидан, совуқ ва нам тери жигар касалликларига мойиллик деганидир.

✱Агар тери мис ранг (бронза) бўлса, бу буйрак ости безлари зарарлангани, демакдир. Юзнинг бирданига сарғайиб кетиши эса талоқ фаолияти бузилганини билдиради. Юзнинг кўкимтир ранги эса саратон касалига дучор бўлган одамларда учрайди. Ёноқлар кўкиш-қизғимтир бўлса бу юрак фаолиятининг жойида эмаслигидандир.

✱ Пешонанинг ранггар бўлиши-қон босимининг пастлигидан. Пешона аралаш умумий ранггарлик эса бошланаётган ошқозон яраси ёки кўричак касаллиги аломатидир.

✱ Танада протеин моддаси кўпайиб кетганда ёки қовурилган овқатлар истеъмол қилинганда ҳам "Жигар доғлари" деб аталадиган мана шунақа доғлар пайдо бўлади. Овқат ҳазм қилиш тизими анча пайтгача бузилиб юрса бу терида тошмалар тошишига ҳам сабаб бўлади.

ТЕЗ ЁРДАМ!

Уйқусизликда: 50 грамм укроп уруғи устига 0,5 литр кагор ёки вино қуйилиб паст оловда 15 минут қайнатилади, сўнг 1 соат ўраб қўйиб совутилади. Ушбу аралашмани уйқуга ётишдан олдин 50 млгр дан ичилади.

* * *

Оғиздан кўланса ҳид келганда: Оғизни ялпиз дамламаси билан чайиш керак. Бунинг учун 1 ош қошиқ қуритилган ялпиз устига 1-2 стакан қайноқ сув қуйиб 1 соат тиндирилади. Сўнг кунига 2-3 мартадан оғиз чайилади. Ялпиз ўрнига петрушкадан фойдаланса ҳам бўлади.

* * *

Жиғилдон қайнаганда: 2-3 ош қошиқдан хом картошка шарбатидан ичиш ёки 0,5 чой қошиқ туйилган тухум пўчоғидан еб юбориш керак.

* * *

Қадоқ бўлганда: 2 бош саримсоқпиёзни майдалаб, ҳосил бўлган бўтқага 1 ош қошиқ эритилган думба билан аралаштиринг. Бу аралашмага букланган доканни ботириб, тунда қадоқ устига боғлаб қўйилади. Муолажа қадоқ йўқолгунча давом эттирилади.

* * *

Милклар шамоллаганда: оғизни ёнғоқ дамламаси билан чайиш фойдали. 5 грамм яшил ёнғоқ ғўри устига бир стакан қайноқ сув қуйилади. Кунига уч маҳал овқатдан сўнг оғиз чайилади. Муолажа 10-12 кун бажарилади.

ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.

КИМГА УЙЛАНГАН МАЪҚУЛ?

Дортмунд университетининг бир гуруҳ мутахассислари гўзал жононлар, ҳуснда ўртамиёналар ва гўзалликни даъво қилишдан йироқроқ бўлган аёлларнинг турмуш тарзи, оила ва севгига муносабати, умр йўлларининг узун-қисқалиги хусусида узоқ йиллар илмий кузатиш олиб бордилар. Марҳамат, уларнинг тадқиқотларига қараб, қандай қизга уйланиш тўғрисида ўзингиз хулоса чиқариб олинг.

ГЎЗАЛ ЖОНОНЛАР

Гўзаллик албатта инсоннинг ярим бахтидир. Қадди-қомати келишган, чеҳрасидан ҳуснинафосат уфуриб турган жононлар кимларнинг қалбини ром этмайди, дейсиз? Қарангки, гўзалликда сир-синоат кўпроқ бўларкан. Гарчи улар ақл-фаросат бобида етук бўлмасаларда, муҳаббатда, омадда, обрў-эътиборда бошқалардан олдинроқда боришаркан.

Гўзал хонимларда икки фазилат устун бўларкан. Нафосат ва бошқаларда яхши кайфият уйғотиш. Ана шу икки хислат йигитларни ром этиб қўяркан. Ром этди дегани, бу ҳар қандай шартга рози бўлишликдир. Худди ана шу ҳолат гўзалларни инжиқлаштириб қўяди. Шу боисдан жононлар одатда инжиқ табиат бўлишаркан.

Буюк Британияда гўзал хонимларнинг 30-40 фоизи, Францияда 60 фоизи икки-уч марта турмуш қуришаркан. Уларнинг эрлари шунчалик қизғанишаркан, тездаёқ асаб касалига чалинишаркан. Гўзал хонимларга уйланган эркакларнинг умри ҳуснда ўртамиёналар эрларига нисбатан қисқароқ бўларкан. Аксарият ҳолатларда гўзал жононларга, бой аммо худбинроқ кишилар уйланишаркан ва оилавий жанжалларнинг кўп қисми рашкдан, кийим-кечакка ўчликдан келиб чиқаркан. Гўзаллар ўзини-ўзи кўз-кўз қилишни ёқтиришса, уларнинг эрлари хотинларини панароқда юришларини хоҳлашаркан.

Эркаклар орасида ўзининг жонига ўзи қасд қилиш ҳолатлари Буюк Британияда ҳам, Францияда ҳам юқори эканлиги кузатилди. Улар рашкдан ёки хотинларининг инжиқликлари жон-жонидан ўтиб кетган ҳолатларда ўз жонига қасд қилишаркан.

Гўзал жононлар билан муроса қилиб яшаётганлар сони 30 фоиздан ошмас экан. Лекин барибир гўзалларнинг хушторлари, харидорлари оз эмас. Чунки гўзаллар анчамунча кўзга ташланмаётган эркакларни машҳур қила оладилар. Гўзаллар билан ёнма-ён бўлиш, суҳбат қуриш эркакларга беқиёс лаззат бераркан, шу боисдан уларнинг ҳар қандай инжиқликларини кўтаришаркан.

ҲУСНДА ЎРТАМИЁНАЛАР

Қизларнинг ва аёлларнинг 85 фоизини одатда ҳуснда ўртамиёналар ташкил этаркан. Улар орасида инжиқлари 15 фоиздан ошмайди. Улар ўзларини шубҳасиз гўзал ҳисоблашди ва кўпроқ сунъий безаниш билан овора бўлишаркан. Албатта топармон-тутармонлар никоҳига ўтишни кутиб яшашаркан.

Аксарият бахтиёр оилалар ҳуснда ўртамиёна қизлар ҳисобига пайдо бўларкан. Бундай аёллар бир умр тилла буюмларга ёки дабдабали уй ва машиналарга эриша олмасалар ҳам ўзларини бахтли санашаркан. Улардаги энг яхши ҳислат самимийлик эканлиги боис, оилавий жанжалларнинг зўриқиб кетишига йўл қўйишмай, битта сўздан қолиш фазилатига ҳам эга эканлар.

Шуниси ҳам борки, ҳуснда ўртамиёналар муросали бўлишлари билан биргаликда сергаплари, қайсарлари, бошқаларга тақлид қилувчилари ҳам кўпроқ учрайди. Бу уларнинг кўп ҳолатларда ўйламай, таваккал иш қилиб қўйиб, сўнг пушаймон чекиб юришларига сабаб бўларкан. Лекин эрлари улардаги содда-жўнлик, одамийлик фазилатлари учун кечиришаркан.

Яна аниқланишича, мода ишқибозлари сони бундай қизлар ва аёллар ўртасида кўпроқ бўлиб, топган даромадларининг 30 фоизини либосларга сарфлашаркан. Францияда ҳам бундай қизлар орасида тавакалчилар, лекин қалби беғуборлари кўпроқ бўларкан. Бундай феъл-атворли қизлар бутун борлиғи билан севишга қодир бўлишаркан, яримта севги билан ўзларини овутиб ўтирмай, ишни дарҳол ҳал қилиб қўя қолишаркан.

Эрни бадавлат қилиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари эса ҳаётга унча тўғри келавермаслиги кузатилди. Лекин барибир улар орасида соғлом фикрдагилари кўпроқ бўлишаркан. Эрлари эса барибир рашкчиликда гўзал жононларнинг эрларидан қолмасликлари кузатилган.

Бундай аёллар оиласида ажрашувлар камроқ бўлиши ва қўша қариш ҳолатлари кўпроқ учрайди. Балким бахтиёрлик дегани мана шунинг ўзидир.

ХУНУКЛАР-ЧИ?

Яъни гўзалликни даъво қилмовчи ва ўзини хунуклар қаторига қўшувчи аёллар жами аёлларнинг уч фоизидан озроғини ташкил этаркан. Кўпгина ҳолатларда эса бундай қизларнинг омади яхшироқ чопаркан.

Хунукроқ хотинларга уйланган эркаклар ўзларини хотиржам сезарканлар. Шу боисдан улар орасида соғломлари, ўз ишининг фидоийлари кўпроқ бўларкан. Илм аҳллари кўпроқ ана шунақа ҳуснда кўримсизроқ бўлган қизларни хуш кўриб уйланишаркан.

Яна шундайки, хунуклар пазандаликда, покизаликда ва эрларини яхши ишларга отлантиришда моҳир бўлишаркан. Шу нарса кузатилдики, машҳур эркакларнинг аёллари одатда хунукроқ бўлишаркан. Бундай аёлларнинг кўпчилиги ишнинг пировард ечимини бошқа аёлларга нисбатан тезроқ тушуниб етишаркан.

Хунукроқ аёллар ҳақида яна шундай қизиқарли далиллар топишга муяссар бўлинди. Улар орасида вафодорлари ва мол-давлатга учмайдиганлари кўпроқ учраркан. Улар кўнгиллари хотиржам ва оғир-босиқ бўлганликлари боис кучли фарзанд беришаркан. Бундай оилалар орасида қўйди-чиқдилар ҳам камроқ бўларкан.

Хунукроқ аёлларнинг салбий жиҳатлари индамай юриб, сўнг бирдан хужум қилишларида бўларкан. Уларнинг хаёлидаги фикрни англаб етиш қийинроқ кечаркан. Аксарият ҳолатларда хунуклар узоқроқ умр кечиришиб, фақат бир марта турмуш қуришни афзал кўришаркан. Уларнинг сочлари эртароқ тўкилиб, сийраклашиб қоларкан ва ҳар қандай ҳолатда уларнинг эрлари ўзларини бахтиёр санашаркан.

Комилжон НИШОНОВ тайёрлади.

ЭРКАКЛАР БЕПУШТЛИГИ

Одатда оилавий ҳаётнинг дастлабки беш-олти ойи, нари борса бир йили ичида келин ҳомиладор бўлмаса, турли гап-сўзлар бошланади. Бепуштликда айнан келинни айбдор ҳисоблаш бизда ёзилмаган қонунга айланиб қолган. Ваҳоланки, фарзанд кўрмасликка аксарият ҳолларда айнан эркаклар бепуштлиги сабаб бўлади.

Эркакнинг жинсий томондан бир қадар ожиз бўлиб қолишига ёки уруғи (сперматозоид)нинг аёл бачадонида уруғлана олмаслигига кўп нарса сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, сигарета чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш ҳамда уларга муккасидан кетиш, танада С дармондориси ва рух минералининг етишмаслиги, тез-тез ва узоқ муддат иссиқ ҳаммом ва сауна қабул қилиш, болаликда ёки ўсмирлик даврида ўтказилган ўткир юқумли касалликлар, атеросклероз, варикоз, қандли диабет, жинсий аъзолар касалликлари ҳамда турли касалликларни даволашда антибиотиклар ва аноболиклардан кўп фойдаланиш кабилар эркаклар бепуштлигига олиб келади.

Бепуштликни даволашда замонавий тиббиётнинг илғор усулларидан ташқари асрлар давомида халқ табобатида кенг қўлланиб келаётган воситалар ҳам мавжуд. Қуйида ана шу усул ва воситалардан айримларини келтириб ўтамиз.

✱ Наргис гулининг майдаланган томиридан 1 ош қошиғини қопқоғи маҳкамлаб ёпиладиган идишга солиб, устига 1,5 стакан қайноқ сув қуйилади. Сўнг 30 дақиқа сувли ваннада тиндириб қўясиз. Сузиб олиб, ҳар куни 3-4 марта овқатланишдан 30 дақиқа олдин 0,25 стакандан ичиб туриш керак.

✱ Хом ошқовоқни қирғичдан ўтказиб, кунига бир маҳал овқатдан 20-30 дақиқа олдин 20-30 граммдан еб туриш зарур. Аста-секинлик билан 150 граммга олиб чиқиш керак. Муолажанинг давомийлиги 1,5-2 ой.

✱ 2-3 ой давомида хом ошқовоқ шарбатидан ҳар куни 1-2 марта овқатланишдан 10-15 дақиқа олдин 0,5 стакан ичиб туриш тавсия этилади. Секин-аста миқдорни кунига 2-3 стаканга олиб чиқиш керак.

✱ Пиёз уруғининг талқон қилиб туйилгани ва тоза асалдан бирга бир миқдорда аралашма тайёрланади. Ундан кунига 3-4 марта 1 чой қошиқдан еб туриш зарур.

✱ 0,2-0,3 грамм мўмиёни сабзи шарбати билан 1:20 миқдорда аралаштириб, эрталаб оч қоринга ва кечқурун уйқуга ётишдан олдин ичиш керак. Муолажа муддати 28 кун.

✱3 та тухумнинг сариғи, 3 дона лимон шарбати, 200 грамм тоза асал ва 200 грамм коньякдан аралашма тайёрлайсиз. Ҳар куни 3 маҳал овқатланишдан 20 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилиш лозим.

ЖИНСИЙ ҚУВВАТНИ ОШИРАДИ

Мен жинсий қувватни оширувчи қуйидаги усулни қўллаб, ижобий натижага эришдим:-0,5 литр пивога 2 дона тухум, 2 ош қошиқдан сметана ва асал аралаштириб ичилади ҳамда устидан ёнғоқ ейилади.

Каримжон, Қарши.

Тахририятдан: *- Мутахассислар пивонинг тўқ рангли навидан фойдаланишни, аммо мунтазам истеъмол қилмасликни маслаҳат беришади. Чунки пиво таркибида спирт бўлгани боис жинсий қувватни ошириш ўрнига сусайтириб юбориши мумкин. Яхшиси доимий равишда таркибида 70 фоиздан зиёд какао бўлган қора шоколад, денгиз ўтлари, қўқатлар ейиш, кўк чой ичиш керак.*

ДАРМОН тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10977
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 5 6